



O'zbekiston adabiyoti va san'ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САЊАТИ

Haftalik gazeta 1956-yil 4-yanvardan chiqq boshlagan

www.uzas.uz

2018-yil 1-sentabr №36-37 (4486-87)

ПРЕЗИДЕНТ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЙИГИРМА ЕТТИ ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ НУТҚИ

Ассалому алайкум, қадри ватандошлар!

Мухтарам меҳмонлар! Хонимлар ва жаноблар!

Аввало, сиз, азизларни, сизлар орқали бутун халқимизни энг буюк, энг азиз байрамимиз — Мустақиллик куни билан чин қалбимдан самимий муборакбод этишга ижозат бергайсиз.

Биз учун янги давр, эркин ва озод ҳаётни бошлаб берган шу қўлғу санада халқимиз қандай машаққатли ва айна вақтда шарафли йўлни босиб ўтганини яна бир бор чуқур ҳис этамиз.

Мана шундай улғу айёмда бутун ҳаётини озодлик учун курашга бағишлаган, бу йўлда жон фидо қилган ота-боболаримиз, мард ва жасур юрдошларимиз хотирасига ҳурмат бажо келтирамиз.

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг асосчиси, Биринчи Президентимиз муҳтарам Ислам Абдуганиевич Каримовнинг барҳаёт номларини ҳурмат ва эҳтиром билан ёдга оламиз.

Азиз дўстлар!

Мустақиллик туйғайли биз дунё ҳамжамиятининг тенг ҳуқуқли аъзоси бўлиб, ёруғ келажакимизни ўз қўлимиз билан бунёд этмоқдамиз.

Истиқлол йилларида эришган ютуқларимизга таяниб, миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари дадил қадам қўймоқдамиз.

Мамлакатимиз тараққиётини янада юксак босқичга кўтариш мақсадида Ҳаракатлар стратегиясини қабул қилдик. Бу ноёб ҳужжатда белгиланган улғувор вазифаларни рўйбга чиқаришга қатъий киришганимиз биз учун янги уфқ ва имкониятлар очиб бермоқда.

Дунё миқёсида рақобат кескинлашиб бораётган ҳозирги мураккаб даврда мамлакатимизни илм-фан ютуқлари, юқори технологиялар асосида модернизация қилиш ва янгилаш энг муҳим вазифамизга айланди. Ана шундай ўткир талабни чуқур англаган ҳолда, биз 2018 йилни юртимизда **Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили**, деб эълон қилдик.

Бу борада қабул қилинган Давлат дастурида 11 триллион 200 миллиард сўм ва 1 миллиард 300 миллион АҚШ доллари ҳажмидаги ишларни амалга ошириш кўзда тутилган. Дастур ижросини таъминлаш учун кенг қўламдаги улкан ишлар олиб боришмоқда.

Юртимизда **фаол инвестиция сиёсати** юритилмоқда, замонавий корхоналар барпо этилмоқда, солиқ тизими тубдан ислох қилиниб, тадбиркорлик ва хусусий мулкни ривожлантириш, барча соҳа ва тармоқларда инновация, илм-фан ютуқлари, янги ва ижодий ёндашувларни жорий этишга алоҳида эътибор берилмоқда. Қишлоқ ҳўжалигида замонавий, истиқболли тармоқларга асос солиш, кластер тизимини йўлга қўйиш, фермер ҳўжалиқларининг натижадорлигини кўчайтириш бўйича амалий ишлар олиб боришмоқда.

Ана шундай улкан саноат-ҳаракатларимиз натижасида юртимизда **макроиқтисодий барқарорлик таъминланмоқда**. Биз учун энг устувор вазифа бўлган аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифатини юксалтириш бўйича катта ҳажмидаги ишлар амалга оширилмоқда.

Айниқса, **“Обод қишлоқ”** ва **“Обод маҳалла” дастурлари** мамлакатимизнинг энг чекка ҳудудларига ҳам янгилаш нафасини, бунёдкорлик руҳини олиб кирмоқда. Одамларнинг фикри, дунёқараши ўзгармоқда, қишлоқда турмуш маданияти ошиб бормоқда.

Бутун мамлакатимизни қамраб олган масқур дастурлар доирасида 416 та қишлоқ ва 105 та маҳаллада қурилиш ва ободонлаштириш ишлари жадал давом этмоқда. Буларнинг барчаси жонажон Ўзбекистонимизнинг янги, обод қиёфасини яратиш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилмоқда.

Аҳолиимизнинг **замонавий уй-жойга** бўлган талаб ва эҳтиёжларини таъминлаш мақсадида жорий йилда 13 минг 900

дан зиёд оилага мўлжалланган 335 та кўп қаватли турар жой фойдаланишга топширилди. Йил охиригача бу рақам 2017 йилга нисбатан 2 баробар кўпаяди.

Ана шу йўналишдаги ишлар қишлоқ жойларда ҳам янгилашган лойиҳалар асосида олиб боришмоқда. Ҳозирги кунга қадар қишлоқларда 40 мингта оила янги хонадонларга кўчиб кирди.

Бу борада биз илгари етарлича эътибор бермаган муҳим масала яъни, кам таъминланган, ногиронлиги бўлган инсонларга алоҳида ғамхўрлик кўрсатишмоқда. Бунинг тасдиғини ўтган 2 йилда 1000 нафардан ортқ шу тоифага мансуб инсонлар уй-жой билан таъминлангани мисолида кўриш мумкин.

Албатта, барчамизни хурсанд қиладиган бундай ўзгаришлар минг-минглаб оилалар ҳаётига шодлик ва бахт олиб келмоқда.

Ҳеч шубҳасиз, ҳаётда мана шундай қувончли воқеалар ўз берганда инсоннинг қадди ҳам, қадри ҳам кўтарилади. Бундай дамларда адолат ҳақида гапирмасангиз ҳам одамлар ҳақиқат ва адолат борлигига ишонади.

Илоҳим, юртимизда уй тўйлари, ҳовли тўйлари янада кўпайсин, бу хонадонларда янги ҳаёт бошлаётган одамлар мурод-мақсадига етсин!

Аҳоли бандлигини таъминлаш, ҳар бир оилада тадбиркорлик муҳитини яратиш бўйича зарур чора-тадбирлар кўришмоқда.

Кейинги икки йилда мамлакатимиз бўйича 700 мингдан ортқ юрдошларимиз иш билан таъминлангани, тижорат банклари томонидан тадбиркорларга 25 триллион сўм миқдорда кредит маблағлари ажратилгани ана шундай саноат-ҳаракатлар натижасидир.

Мухтарам юрдошлар!

Биз мамлакатимизда қандай дастур ва режалар қабул қилсак, уларнинг барчасида умидимиз, келажакимиз бўлган **ёшларимиз манфаатларини** алоҳида ҳисобга олмақдамиз.

Бу ҳақда сўз юритганда, мамлакатимизда янги олий ўқув юртилари, хориждаги нуфузли университетларнинг филиаллари ташкил этилаётгани, қабул квоталари оширилгани, кўпгина йўналишлар бўйича сиртки бўлимлар очилганини алоҳида қайд этиш лозим.

Айни вақтда буюк аллоамларимиз номидаги махсус мактаблар, ҳудудларимизда атоқли адибларимиз номидаги ижод мактаблари иш бошлагани, ёшларимиз ўртасида турли танлов ва фестиваллар, спорт мусобақалари мунтазам ўтказиб келинаётгани уларнинг илмий ва ижодий камолотида катта роль ўйнамоқда.

Жамиятимизда **“Қонун ва адолат — устувор”, “Жиноятга жазо муқаррар”** деган муҳим принципларни таъминлаш, суд, прокуратура, ички ишлар органлари, адвокатура тизими фаолиятини такомиллаштириш, уларни том маънода инсон ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоячисига айлантириш бўйича ҳам салмоқли ишлар қилинмоқда.

Ана шундай ўзгаришлар туйғайли биз йиллар давомида деярли унутиб қўйган тартиб-интизом, қонун-қоида, одамларнинг ҳақли талаблари билан ҳисоблашиш каби энг муҳим тамойиллар ҳаётимизда тобора чуқур ўрин эгалламоқда.

Халқимизга хос кечиримли, раҳм-шафқатли бўлиш, бағрикенглик ва олиханоблик фазилатлари асосида жамиятимизда соғлом ижтимоий муҳит мустаҳкамлашни бормоқда.

Билиб-билмай нотўғри йўлга кириб қолган, ўз қилмишидан чин дилдан пушаймон бўлган фуқароларни кечириб, уларни оиласи бағрига, фойдали меҳнатга қайтаришга қаратилган тадбирлар ҳақида сизлар яхши хабардорсиз.

Кўни кеча қабул қилинган Президент фармонида биноан қилишига чин дилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган, озодликдан маҳрум этиш жазосини ўтаётган 261 нафар шахс Мустақиллик байрами муносабати билан афв этилгани шу эзгу ишларимизнинг давоми бўлди.

Тасаввур қилинг, 261 инсон тақдирдаги бундай ўзгариш — бу аввало уларнинг оиласи, фарзандлари, ота-оналари, ақинлари ҳаётига нур олиб кирди, қувонч олиб кирди, деганидир.

Азиз юрдошлар!

Бугун бир фикрни тўла ишонч билан айтиш мумкин: **бутун жамиятимизни қамраб олаётган ана шундай эзгу ишларимиз туйғайли ҳаётимизда файзу барака, миллатлараро дўстлик ва меҳр-оқибат туйғуларни кучайиб бормоқда.**

Энг муҳими, мамлакатимизни янада тараққий эттириш йўлида олиб бораётган ички ва ташқи сиёсатимиз эл-юртимиз томонидан қўллаб-қувватланмоқда.

Халқимизнинг розилиги — бизнинг, биринчи навбатда, Президент сифатида менинг, барча бўғиндаги раҳбар ва мустақиллар, депутат ва сенаторлар, бутун давлат идораларининг фаолиятига берилган энг олий ва энг адолатли баҳодир.

Агар халқимиз биздан рози бўлса, Яратган ҳам албатта рози бўлади.

Бу ҳақиқатни ҳеч ким ҳеч қачон унутмаслиги зарур.

Ҳурматли анжуман иштирокчилари!

Мана, бугун Ватанимиз мустақиллигининг 27 йиллиги муносабати билан давлатимизнинг юксак унвонлари, орден ва медаллари билан тақдирланган юрдошларимизга ана шу мукофотлар марказида ва жойларда тантанали равишда топширилди.

Ўзининг кўп йиллик фидокорона меҳнати билан эл-юртимиз ўртасида катта обрў-эътибор топган бу инсонларни ўз номидан, сизларнинг номингиздан яна бир бор табриклаб, эзгу тилақларимни билдиришга рўхсат этгайсиз.

Жонажон Ўзбекистонимизда, барча шаҳар ва қишлоқларимизда сизлар каби фидойий одамлар сафи янада кенгайиб, олижаноб меҳнатингиз самарасидан аввало ўзингиз, оилангиз, эл-юртимиз баҳраманд бўлсин!

Хонадонларингиздан бахту саодат, файзу барака ҳеч қачон аримасин! Қадри юрдошлар!

Бугун миллий тараққиётимизнинг янги босқичига қадам кўя эканмиз, биз ютуқларимиз билан бўйра хато ва камчиликларимизни ҳам чуқур таҳлил қилиб, уларни бартараф этиш ҳақида йўналишимиз табиийдир. Чунки бу ишларни ўзимиз қилмасак, ҳеч ким четдан келиб муаммоларимизни ҳал қилиб бермайд.

Бу ҳақда сўз борганда, юртимизда халқ билан мулоқотнинг мутлақо янги ва самарали тизими жорий қилинганини айтиш ўринли, деб ўйлайман. Бугунги кунда халқ давлат идораларига эмас, балки давлат идоралари халқимизга хизмат қила бошлагани учун ҳам одамларнинг фикри, дунёқараши ўзгармоқда, эл-юртимиз ўз кучи ва имкониятларига, эртанги кунга ишонч билан қарамоқда.

Шунинг учун бир ҳақиқатни таъкидлаб айтмоқчиман: **халқ билан бевосита мулоқот олиб бориш, унинг дарду ташвишлари билан яшаш, эл-юртимизни рози қилиш — бу вақтинчалик кампания эмас. Бу — халқимизнинг фаровон ҳаётини, юртимиз равангани таъминлашга қаратилган узок муддатли стратегиядир.**

Азиз дўстлар!

Бугунги таҳликали замонда бебаҳо бойлигимиз бўлган тинч-осойишта, эркин ва обод ҳаётни ҳар томонлама асраб-авайлаш ва мустаҳкамлаш энг асосий вазифамиз бўлиб қолмоқда. Шу мақсадда Қуролли Кучларимизнинг жанговар салоҳиятини оширишга бундан буён ҳам алоҳида эътибор қаратамиз.

Биз дунё миқёсидаги кескин ва бешафқат рақобатга бардош бериш учун иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш, жажон бозоридан муносиб ўрин эгаллаш, мамлакатимизнинг экспорт салоҳиятини янада оширишга эришмоғимиз зарур. Тадбиркорлик фаолияти эркинлигини, хусусий мулк дахлсизлигини янада кенг-роқ таъминлаш — **олдимизда турган муҳим вазифадир.**

Бу борада йирик ишлаб чиқариш корхоналари билан бирга, туризм, кичик бизнес, оилавий тадбиркорлик, деҳқон ва томорқа ҳўжалиқларини, хунарамчилик ва касаначиликни ривожлантиришга алоҳида аҳамият қаратамиз.

Айниқса, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, халқимиз ҳаётини янада яхшилаш, кам таъминланган қатламларни ижтимоий муҳофаза қилиш, иш ҳақи, пенсия, стипендия ва нафақалар миқдорини ошириш доимий эътиборимиз марказида бўлади.

Ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш мақсадида биз **“Ёшлар — келажакимиз” Давлат дастурини** қабул қилдик. Ушбу дастур ижроси учун шу йилнинг ўзида 786 миллиард сўм маблағ йўналтирилмоқда. Бунинг натижасида, жумладан, 100 мингдан ортқ ёшларимизнинг бандлиги таъминланади.

Ёш оилаларни замонавий уй-жойлар билан таъминлаш, ёшларни ишга жойлаштириш, касб-хунарга тайёрлаш ва қайта тайёрлаш бўйича белгиланган катта ишлар изчил давом эттирилади.

Ҳурматли ватандошлар!

Шу кўнларда Индонезияда 45 та мамлакат вакиллари ўртасида бўлиб ўтаётган Ёзи Осиё ўйинларида навқирон спортчиларимиз шижоат ва маҳорат кўрсатиб, **15 та олтин, 19 та кумуш, 23 та бронза медалини** қўлга киритганлари ҳаммамизга қувонч бағишлады.

Мамлакатимиз шижоатини дунёга тараннум этаётган спортчи ёшларимизга, уларнинг ота-оналари, устоз ва мурабийларига сизларнинг номингиздан, бутун халқимиз номидан чуқур миннатдорлик билдиришга рўхсат бергайсиз.

Қадри анжуман қатнашчилари!

Биз жажон ҳамжамияти билан, барча узок-яқин давлатлар, биринчи навбатда, қўшни мамлакатлар билан дўстона алоқаларни янада кучайтирамиз.

Турли халқаро ташкилотлар, нуфузли молия институтлари билан кенг тармоқли ҳамкорлиқни ривожлантириш бизнинг миллий манфаатларимизга тўла жавоб беради ва биз бу йўлни қатъий давом эттирамиз.

Фурсатдан фойдаланиб, бугунги тантанали маросимда иштирок этаётган хорижий давлатларнинг муҳтарам элчилигига, халқаро ташкилотлар вакилларига, чет эллик шерикларимизга, Ўзбекистоннинг барча дўстларига сизларнинг номингиздан, ўз номидан самимий ҳурмат-эҳтиром ва эзгу тилақларимизни билдиришга ижозат этгайсиз.

Азиз ва муҳтарам ватандошларим!

Барчангизни Ўзбекистон давлат мустақиллигининг йигирма етти йиллик байрами билан яна бир бор чин қалбдан самимий табриклайман.

Мана шу улғу айёмда барча ютуқларимизнинг ижодкори ва бунёдкори бўлган меҳнаткаш, мард ва саховатли, бағрикенг ва олижаноб халқимизга фарзандлик меҳри билан таъзим қиламан.

Фурсатдан фойдаланиб, кўнглимдаги энг эзгу тилақларини билдирмоқчиман. Бугун барчамиз нуруний оқоқоллар, муҳтарам фахрийларимизга мустаҳкам соғлиқ, узок умр тилаймиз.

Мўътабар, дуоғўй онахонларимизга чин юракдан фарзандлик ташаққуришимизни билдирамиз. Хонадонларимиз кўрки ва фариштаси бўлган мунис аёлларимиз доимо соғомон, бахтли-саодатли бўлсинлар! **Чунки аёл, она бахтли бўлса — жамият бахтлидир.**

Ватанимиз ва халқимизга ўзининг билим ва заковати, маънавий салоҳияти билан хизмат қилаётган илмий ва ижодкор зиёлиларимизга янги-янги ютуқлар ёр бўлсин!

Юртимизда яшаётган барча миллат ва элат вакиллари ўртасидаги дўстлик ва ҳамжиҳатлик янада барқарор бўлсин! Азму шижоатли ёшларимизнинг, барча фарзандларимизнинг бахту камолини, омадини берсин!

Юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо, халқимиз омон бўлсин! Мустақиллигимиз абадий бўлсин!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЙИГИРМА ЕТТИ ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ФАН, ТАЪЛИМ, СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ, АДАБИЁТ, МАДАНИЯТ, САЊАТ, МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ ҲАМДА ИЖТИМОИЙ СОҲАЛАР ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, халқимиз маданияти ва маънавиятини юксалтириш ишига қўшган муносиб ҳиссаси, ёрқин истеъдоди ва серқирра ижоди, илмий фаолияти, самарали хизматлари, ёш авлодни она юртга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат руҳида соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш ҳамда жамоат ишларидаги фаол иштироки учун қуйидагиларга фахрий унвонлар берилсин:

“ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАН АРБОБИ”

Йўлдошев Беҳзод Содикович — Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси президенти

“ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ БАХШИСИ”

Тоғаев Бахшиқул Каримович — Қумқўрғон туманидаги “Сурхон тонги” ашула ва рақс бадий ҳаваскорлик жамоаси бахшиси, Сурхондарё вилояти

“ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ЁЗУВЧИСИ”

Абдурахманов Оразбай — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, ёзувчи

“ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН АРТИСТ”

Рузиева Анаор Райимовна — Қашқадарё вилоят мусиқали драма театри вокал артисти

Ҳабибов Неъматулла Маҳрамович — Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театри опера солисти

Халкназарова Лизахан Утепбергеновна — Қорақалпоқ давлат ёш томошабинлар театри актёри

Давоми иккинчи саҳифада.

АНОР, Озарбойжон халқ ёзувчиси, Ёзувчилар бирлиги раиси

ЎЗБЕКИСТОНДАГИ УНУТИЛМАС ЛАҲЗАЛАР



Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ташаббуси билан мен ва драматург Феруз Мустафо Тошкентда ўтадиган халқаро анжуманга таклиф этилдик. 6 август кўни икки соатлик парвоздан сўнг Ислам Каримов номидаги Тошкент халқаро аэропортига кўндик. Аэропортда бизни Ўзбекистон халқ шоири, Ёзувчилар уюшмаси раиси Сирожиддин Саййид, Президент девони шўъба мудир, ёзувчи ва таржимон Мамақул Ҳазратқулов ва бошқалар қутиб олишди. Конференция мўмтоз ва замонавий ўзбек адабиётини ўрганишининг долзарб масалалари ҳамда ўзбек адабиётини дунёга танитиш мавзусига бағишланган. Тан олиш керак, гоят муҳим масалага бағишланган ушбу анжуман юксак савияда ташкил этилган. Анжуманнинг очилиш маросимидан сўнг Туркия, Эрон, Миср, Ҳиндистон, Афғонистон, Япония, Жанубий Корея, Россия, Украина, Беларусь, АҚШ, Канада, Франция, Германия, Голландия, Швеция, Қозғистон, Қирғизистон, Туркменистон, Тожикистон, Латвия, Литвадан келган меҳмонлар турли шўъбаларга бўлинган ҳолда ўз мағрузалари билан иштирок этишди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЙИГИРМА ЕТТИ ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ
БИЛАН ФАН, ТАЪЛИМ, СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ, АДАБИЁТ, МАДАНИЯТ, САНЪАТ, МАЪНАВИЯТ ВА
МАЪРИФАТ ҲАМДА ИЖТИМОИЙ СОҲАЛАР ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Бошланиши биринчи саҳифада.

“ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА
ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ЁШЛАР
МУРАББИЙИ”

Абдурахимов Ахмад Мамаджанович — Тошлоқ туманидаги 22-болалар мусиқа ва санъат мактабининг анъанавий хонандалик синфи ўқитувчиси, Фарғона вилояти

Иноятлов Рахматулло — Бухоро санъат коллежи анъанавий хонандалик бўлими ўқитувчиси

Мунинова Лола Рахимовна — Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази директорининг илмий ишлар бўйича ўринбосари

Орзиева Дилбар Адизовна — Навоий шаҳридаги Меҳрибонлик уйи директори

Рахимов Эштурди — Меҳнат фахрийси, “Нуроний” жамғармасининг Нуробод тумани Кенгаши аъзоси, Самарқанд вилояти

“ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА
ХИЗМАТ КЎРСАТГАН СПОРТЧИ”

Ефремов Иван Владимирович — Оғир атлетика бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси

Халқимизнинг илмий-интеллектуал салоҳияти ва маънавиятини юксалтириш, таълим, маданият, адабиёт, санъат, соғлиқни сақлаш соҳаларини ривожлантиришдаги хизматлари, Ватанимиз мустақиллигини, юртимиздаги тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш ишига қўшган муносиб ҳиссаси ҳамда жамоатчилик ишларидаги кўп йиллик самарали иштироки учун қуйидагилар мукофотлансин:

“ФИДОКОРОНА ХИЗМАТЛАРИ УЧУН”
ОРДЕНИ БИЛАН

Абдуллаева Насиба Меликовна — “Ўзбек-концерт” давлат муассасаси хонандаси

Ахмедов Ёқуб — Ўзбек Миллий академик драма театри актери

Баймуратов Элмурод Дилмуродович — Шахрисабз шаҳридаги “Бахтли болалик” намунали болалар макомчилар ансамблининг бадий раҳбари, Қашқадарё вилояти

Жўраев Шерали — “Ўзбекконцерт” давлат муассасаси хонандаси

Закиров Фаррух Каримович — “Ялла” ансамбли бадий раҳбари

Отаонов Ортик — Ўзбекистон халқ артисти

Сағдиев Ёдгар Хабибович — Ўзбек Миллий академик драма театри актери

Усмонова Юлдуз Ибрагимовна — “Ўзбек-концерт” давлат муассасаси хонандаси

“МЕҲНАТ ШУХРАТИ” ОРДЕНИ БИЛАН

Алеушиева Жгагул Смаиловна — Шуманай тумани 57-сонли қишлоқ оилавий поли-

клиникаси гинеколог шифокори, Қорақалпоғистон Республикаси

Ахмедова Заҳро Раҳматовна — Ўзбекистон Фанлар академияси Микробиология институти лабораторияси мудири

Джалалов Боҳодир Фазлетинович — Ўзбекистон Бадий академияси аъзоси, расм

Жалилов Исмоил Тўлаганович — Ўзбекистон Миллий симфоник оркестри бадий раҳбари

Камалов Телман Толяганович — Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт маркази қандли диабетнинг йирингли асоратлари бўлими мудири

Камилова Халида Хафизовна — Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти ўқув ишлари бўйича проректори

Қурбанов Раҳматжон Хударганович — Урганч шаҳар 2-болалар мусиқа ва санъат мактаби директори, Хоразм вилояти

Лутпуллаев Хайрулла — Ўзбекистон халқ артисти

Мунинова Зулфия Мардановна — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоира

Рашидов Турсунбай — Ўзбекистон Фанлар академияси Механика ва иншоотлар сейсмик мустаҳкамлиги институти бош илмий ходими

Сабиров Леонард — Самарқанд давлат университетининг назарий физика ва квант электроникаси кафедраси профессори

Тожибоев Махмуджон Гоиевич — Ўзбекистон давлат консерваториясининг анъанавий ижрочилик кафедраси профессори

Халилова Мавлуда Болтаевна (Матлуба Дадабоева) — Ўзбек миллий маком санъати маркази катта илмий ходими

Юлдашев Акмал Акрамович — Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказининг Фарғона вилояти филиали директори

I ДАРАЖАЛИ “СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН”
ОРДЕНИ БИЛАН

Варисова Максуда Азизовна — Зангиота тумани тиббиёт бирлашмасининг 19-қишлоқ оилавий поликлиникаси мудири, Тошкент вилояти

II ДАРАЖАЛИ “СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН”
ОРДЕНИ БИЛАН

Абдужаппаров Сулайман Бахреддинович — Жиззах вилояти онкология диспансери бош шифокори

Бахронов Ўткир Шодиевич — Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказининг Навоий вилояти филиали кардиология бўлими шифокори

Бойбедаев Тохир Раҳимжонович — Наманган шаҳар 1-сонли шифохона бош шифокори

Дадамухамедова Шаҳида Мубашировна — Бухоро вилояти кўз касалликлари шифохонаси бош шифокори

Джураев Миржалол — Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг Самарқанд филиали директори

Назаров Нутфулло — Гиждудон тумани тиббиёт бирлашмаси 68-қишлоқ оилавий поликлиникаси шифокор-терапевти, Бухоро вилояти

Қосимова Феруза Абдувалиевна — Мирзаобод тумани тиббиёт бирлашмасига қарашли “Наврўз” қишлоқ врачлик пункти мудири, Сирдарё вилояти

Қурбанов Шерали Шайматович — Денов тумани тиббиёт бирлашмаси шошилинч тиббий ёрдам бўлими мудири, Сурхондарё вилояти

“ДЎСТЛИК” ОРДЕНИ БИЛАН

Асретдинов Хасанбой Юлдашевич — Норин тумани маданият бўлими мудири — маданият ва аҳоли дам олиш маркази директори, Наманган вилояти

Ахмедов Мурод Эркинвич — Навоий вилояти кўп тармоқли тиббиёт маркази бош шифокори

Ахмедова Зарина Ахмедовна — Ўзбекистон бадий жамоалари ижодий бирлашмаси “Наврўз” ашула ва рақс ансамбли бадий раҳбари

Балтаиёзов Сарсенбай Айтмуратович — Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтининг Нукус филиали режиссёрлик ва актёрлик маҳорати кафедраси доценти

Бердимуродов Амридин Эргашович — Ўзбекистон Фанлар академияси Археология институти директори

Варламова Наталья Геннадьевна — Ўзбекистон оркестрлари бирлашмаси Миллий симфоник оркестри артисти

Гафуров Саттаржон — Наманган вилояти тожик миллий маданий маркази раиси

Джурабаева Чаросой Хосилжановна — Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театри Ёшлар балети (“Тумор” рақс ансамбли) бадий раҳбари

Долимов Улугбек — Меҳнат фахрийси, адабиётшунос олим

Иванов Сергей Викентьевич — “Усто” уюшмаси аъзоси, уста кулол

Каримбаева Нигора Абдурахмановна — Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти ўқитувчиси, киноактёр

Керимов Фикрат Азизович — Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети жисмоний тарбия назарияси ва услубияти кафедраси профессори

Қурбанов Хасан Исмаилович — Китоб туманидаги “Китоб гуллари” ашула ва рақс ансамбли бадий раҳбари, Қашқадарё вилояти

Лиходезский Анатолий Степанович — Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг рус тили ва адабиёти кафедраси профессори

Махмудов Низомиддин Мамадалиевич — Ўзбекистон Фанлар академияси Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти директори

Мусаева Фируза Юсуповна — “Фарҳод” маданият саройи “Бахтли болалик” халқ рақс ансамбли балетмейстери, Навоий вилояти

Мухитдинова Лариса Асамовна — В.А.Успенский номидаги Республика ихтисослаштирилган мусиқа академик лицейи директори ўринбосари, фортепиано бўлими ўқитувчиси

Назарова Зулфия Шералиевна — Жиззах вилояти перинатал маркази реанимация ва анестезиология бўлими катта ҳамшираси

Назарова Салима Каюмовна — Қорақалпоғистон Республикаси эндокринология диспансери бош шифокори

Разаклов Наби — Америка Қўшма Штатларининг Нью-Йорк шаҳридаги “Стар лайт” студияси режиссёри

Саидов Фарход Джураевич — Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси Маданият ва маърифат маркази хонандаси

Саитова Эркиной — Тошкент давлат миллий рақс ва хореография олий мактаби ўқитувчиси

Токсанбаева Гулбахар Оразбаевна — Мўйноқ тумани маданият ва аҳоли дам олиш маркази директори, Қорақалпоғистон Республикаси

Тўраев Ҳалим — Бухоро давлат университети тарих кафедраси профессори

Турсунов Санжар Шокиржон ўғли — Бокс бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси

Турсунова Хуршидаҳон Атабаевна — Ўзбекистон давлат консерваторияси бастакорлик ва қолғулаштириш кафедраси доценти

Усманов Фарид — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоир

Усманова Дилбар Саидмахмудовна — Қибрай туманидаги “Farhod — madad shifo” хусусий клиникаси эндокринология бўлимининг олий тоифали шифокор-эндокринологи ва клиника менежери, Тошкент вилояти

Чернишева Анастасия Игоревна — Тошкент шаҳар руҳий касалликлар клиник шифохонаси бўлим мудири

Шералиева Татьяна Тургуновна — Фарғона вилояти маданият ва аҳоли дам олиш маркази директори

Юсупов Джалил Джўрабаевич — Ўзбекистон Фанлар академияси Ядро физикаси институти бош муҳандиси

Мамлакатимизда ижтимоий ва маънавий-маърифий соҳаларда амалга оширилаётган ислохотлардаги фаол иштироки, самарали меҳнати, ёш авлодни Ватанга муҳаббат, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш ишига қўшган ҳиссаси учун қуйидагилар мукофотлансин:

Ўзбекистон Республикаси
ПрезидентиТошкент шаҳри,
2018 йил 28 август

Ш.МИРЗИЁЕВ

ВОКЕА,
ЯНГИЛИК ВА
ХАБАРЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 31 август куни «Ўзбекистон» халқаро анжуманлар саройида мамлакатимиз мустақиллигининг 27 йиллиги муносабати билан мукофотланган бир гуруҳ юртдошларимизга фахрий унвонлар, орден ва медалларни катта тантана билан топширди.

31 август. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Қатагон қурбонлари хотираси ёд этилиши муносабати билан «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуасида халқимиз озодлиги ва юртимиз мустақиллиги йўлида қурбон бўлган марҳумларни ёд этиш маросимида иштирок этди. Давлатимиз раҳбари шу кунги Пойтахтимиздаги Мустақиллик ва эзгулик монументига гулчамбар қўйди.

Мамлакатимиз мустақиллигининг 27 йиллиги муносабати билан Президент Шавкат Мирзиёев номига хорижий давлатлар ва ҳукуматлар раҳбарларидан Ўзбекистон халқига эзгу истаклар изҳор этилган самимий қутловлар келмоқда. Президентимизни Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин, АҚШ Президенти Дональд Ж.Трамп, Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоғон, Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон, Сингапур Республикаси Президенти Ҳалима Ёқуб, Бирлашган Араб Амириклари Президенти шайх Халифа бин Зоид Ол Наҳаён, Бирлашган Араб Амириклари Куролли Кучлари Олий бош Қўмондони ўринбосари шайх Мухаммад бин Зоид Ол Наҳаён, Бирлашган Араб Амириклари Бош вазири ўринбосари, ички ишлар вазири шайх Сайф бин Зоид Ол Наҳаён, Фаластин Давлати Президенти, Фаластин

Озодлик ташкилоти Ихроия қўмитаси раиси Махмуд Аббос ҳамда бошқа давлатларнинг раҳбарлари самимий муборакбод этдилар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонларига биноан, мамлакатимизда инвестицион ва стратегик лойиҳаларни муваффақиятли амалга ошириш, йирик ҳажмдаги хорижий инвестицияларни жалб этиш, нефть ва газ тармоғини ривожлантириш, савдо-иқтисодий соҳалардаги шерикчилик алоқаларини кенгайтириш борасидаги фаол иштироки ҳамда халқларимиз ўртасидаги ўзаро дўстлик ва ҳамжиҳатликни ривожлантиришга қўшган салмоқли ҳиссалари учун Россиянинг “USM Holding” акциядорлик жамияти таъсисчиси ва раҳбари Алишер Усманов “Эл-юрт хурмати” ордени, “ЛУКОЙЛ” очик акциядорлик жамияти президенти Вагит Алекперов, Германиянинг “КНАУФ” корхоналари гуруҳи иштирокчилари Кенгаши аъзоси Николаус Кнауф, ХХРнинг «СНР» компанияси директорлар Кенгаши раиси, «PetroChina» компанияси раиси Ван Илин, шунингдек, Америка — Ўзбекистон савдо палатаси раиси Кэролин Лэмм «Дўстлик» ордени билан мукофотландилар.

30 август куни “Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг йигирма етти йиллиги муносабати билан давлат ўқувчилари ҳамда ишлаб чиқариш ва ижтимоий-иқтисодий соҳалар ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида” Президент Фармони матбуотда эълон қилинди.

30 август куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев мамлакатимиз мустақиллиги кунини муносабати “Озодликдан маҳрум этиш жазосини ўтаётган, қилишмига чин қўнғилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган бир гуруҳ шахсларни афв этиш тўғрисида”ги Фармонни имзолади.

Президент Шавкат Мирзиёев 29 август куни Тошкент вилоятидаги ижтимоий-иқтисодий объектлар билан танишиш мақсадида Бекобод шаҳрига ташриф буюрди. Давлатимиз раҳбари лойиҳа қиймати 60 миллион доллар бўлган, замонавий, энергия тежовчи ва илғор технологиялар билан жиҳозланган янги ферроқотишмалар цехини тантанали равишда ишга туширди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИТОЖИКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING БИР ГУРУҲ ДАВЛАТ ВА
ЖАМОАТ АРБОБЛАРИ, МАДАНИЯТ, ФАН ВА СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ
СОҲАЛАРИ ВАКИЛЛАРИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Қардош Ўзбекистон ва Тожикистон халқлари ўртасидаги кўп асрлик дўстлик ва яхши қўшничилик муносабатларини мустаҳкамлашга қўшган катта ҳиссаси, маданий-гуманитар алоқаларни кенгайтириш, муштарак тарихий мерос, маънавий қадрият ва анъаналарни асраб-авайлаш ва бойитиш борасидаги фаол ва самарали фаолияти, мамлакатларимиз орасида ўзаро манфаатли савдо-иқтисодий ҳамкорлик ва кўп томонлама стратегик шерикчиликни ривожлантиришдаги хизматлари учун қуйидагилар орденлар ва фахрий унвонлар билан мукофотлансин:

“ФИДОКОРОНА ХИЗМАТЛАРИ УЧУН”
ОРДЕНИ БИЛАН

Қоҳир Расулзода — Тожикистон Республикаси Бош вазири

Сирожиiddин Мухриддин — Тожикистон Республикаси Ташқи ишлар вазири

“МЕҲНАТ ШУХРАТИ” ОРДЕНИ БИЛАН

Низом Қосим — Тожикистон Республикаси Ёзувчилар уюшмаси раиси

Ташпулат Гулмуродов — Тожикистон Республикаси Соғлиқни сақлаш соҳаси ходимлари малакасини ошириш институтининг кардиожаррохлик кафедраси мудири

“ДЎСТЛИК” ОРДЕНИ БИЛАН

Али Мухаммадиев — Тожикистон Республикаси Фанлар академияси Кўлэмалар меъроси фондининг бўлим мудири

Ифтихор Ширинджонович Джураев — Тожикистон Республикаси Геодезия ва ер

Ўзбекистон Республикаси
ПрезидентиТошкент шаҳри,
2018 йил 29 август

Ш.МИРЗИЁЕВ

Бошланиши биринчи саҳифада.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг конференция иштирокчиларига табригини Олий Мажлис Сенатининг раиси Нёзматулло Йўлдошев ўқиб эшиттирди. Шундан сўнг ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги вакили Дендер Бадарч, мен, Қозоғистон Ўзбекистон уюшмаси раиси Улугбек Ёсдеулет, Тожикистон Ўзбекистон уюшмаси раиси Низом Қосим — бирин-кетин сўзга чиқдик.

Мен Озарбойжон билан қардош Ўзбекистоннинг асрларга тугаш маданий, адабий алоқалари, ҳазрат Навоийга Боқуда ҳайкал қўйилгани ҳақида сўзладим. Халқаро сиёсий майдонда Ўзбекистон ҳамisha Ватанимиз билан ёнма-ён туриб, бизнинг манфаатларимизни ҳимоя қилгани учун миннатдорлик билдирдим. Озарбойжон Ўзбекистон билан бирлиги Алишер Навоийга бағишланган махсус журнал чиқаргани ҳақида гапириб, Сенат раисидан унинг бир нусхасини Ўзбекистоннинг муҳтарам Президентига етказишни илтимос қилдим.

Очилиш маросимидан аввал Алишер Навоий ёдгорлиги пойга гулчамбарлар қўйди. Анжуман улуг мутафаккир номидаги Ўзбек тили ва адабиёти университетида бўлди. Ўзбек дўстларимиз ифтихор билан илгари Ўзбек тили ва адабиёти университетларда битта факультет микёсида ўргатилган бўлса, энди бу фанлар учун алоҳида университет очилганини таъкидлашди.

Ўзбекистон Ўзбекистон уюшмаси яқинда қурилган икки қаватли замонавий бинога қўчиб ўтибди. Энг сўнгги русумдаги жиҳозлар ва ускуналар билан таъминланган бу бинода уюшмадан ташқари тўртта журнал таҳририяти, шунингдек, "Ижод" ва "Илҳом" фондлари жойлашган. Уларнинг бари давлат бюджетидан молиялаштирилган экан. Фондларнинг қўшимча даромад манбалари ҳам бор.

Ўзбекистон уюшмаси, Ўзбекистоннинг ижтимоий таъминоти ва ушбу фондларнинг моддий аҳоли ҳақида кейинроқ ёзмадан. Ўзбекистон уюшмасидаги учрашув пайтида мен Озарбойжон Ўзбекистон уюшмаси фаолияти ҳақида, муассасамизга давлат томонидан қўриқилган эътибор ҳусусида сўзлаб бердим. Марҳум Президентимиз, Миллат етакчиси Хайдар Алиевнинг адабиётга эътиборини ёдга олдим. 1993 йилда Х.Алиев ҳокимият тепасига келган пайтларда Ўзбекистон уюшмаси ва унга тегишли ташкилотларни давлат бюджети ҳисобидан молиялаштиргани ҳақида, Озарбойжоннинг энг юксак "Истиқлол" муқофоти ҳам биринчи бўлиб Ўзбекистонга — Бахтиёр Ваҳобзода, Халил Ризо, Муҳаммад Аразга берилганини айтдим.

Хурматли Президентимиз Илҳом Алиевнинг таржима марказимизнинг бюджет ҳисобига ўтказилиши ҳақидаги қарори, Ўзбекистонга уй-жой қуриш учун ер берилиши, китобларни лотин алифбосида чоп этиш учун маблағ ажратилиши ҳақидаги фармонлари, биронимизнинг капитал таъмирланиши, ҳар йили ўттиз нафар ёзувчи 300 манатдан, 20 нафар ёш ёзувчи 200 манатдан маош тўлиниши, 2014 йилда ташкилотимизнинг 80 йиллиги ва қурултойимизнинг хорижлик меҳмонлар иштирокида юксак савияда ўтказилгани, журналистлар учун қурилган уй-жойларда матбуот тизимида ишлаётган бир қанча ёзувчи ва шоирларимиз ҳам истиқомат қилаётгани — буларнинг барчаси давлатимизда адабиётга қўриқилган эътибор намуналаридир.

Ўзбекистон Ўзбекистон уюшмаси раиси Сирожиддин Саййиди ва мен адабий алоқаларимизни янада кенгайтириш тўғрисида меморандум имзоладик. Меморандумда икки тарафлама таржималар, учрашувлар, нашрларимизда адабиётимиз намуналарини чоп этиш, адабий-бадий танловлар ўтказиш, китоб мусобақаларига оид бандлар киритилган.

Уюшмадаги учрашувлардан сўнг буюк Низомий ёдгорлигини зиёрат қилиб, гулчамбарлар қўйди. Бу улуг ҳамюртимиз номидаги университетда учрашувлар ўтказдик. Мен учрашувда айтганимдек, бугун икки сўз даҳоси — Навоий ва Низомийнинг ёдгорлиқлари пойга гул қўйди, уларнинг номларини олган таълим мактапларида учрашувлар ўтказяпмиз. Демак, кўп асрлар аввал бўлганидек, бугун ҳам бу икки мутафаккир

адабий ва абадий қардошлигимизни тамсил этаётир. Навоий Низомий яратган аънанани давом эттириб, Ўзбек тилида "Хамса" ёзган, ганжалик устозининг номини эхтиром ила тилга олган бўлса, Фўзулий ўз "Лайли ва Мажнун"ни она тили — озарбойжончада битиб, Ўзбек шоири номи юксак ҳурматла тилга олади. Мен яқинда ёзиб битирган "Уч Лайли ва уч Мажнун" номли бадиамда ушбу шоирларимиз яратган уч дoston ҳақида сўз боради. Озарбойжонда Навоий асарлари билан бирга "Бобурнома" ҳам тилимизга ўйирилди. Яқинда Жовид, Жавод, Мушфиқ сингари Сталин қатағонларининг қурбонига айланган Чўлпондан тортиб, бугунги энг ёш шоирларгача бўлган Ўзбек муаллифларининг антологияси босмадан чиқди.

Ўзбекистонда бир қатор мумтоз ва замонавий адибларимиз қатори менинг ҳам тўртта китобим чоп этилгани, турли газета, журнал ва тўпламларда ижод намуналарим ўрин олгани, бир пайтлар "Каравелла" номли пьесам асосида Ўзбек бастакори Калонторов томонидан яратилган "Занжир" номли мусиқали комедия саҳнага қўйилгани, албатта, менга катта ифтихор ва қувонч бахш этди.

Ўтган йили вафот этган марҳум таржимон

гун ўша боғ-роғлар, хиёбонлар янада қўрқамлашган, шаҳар янги-янги, муҳташам бинолар билан янада ёшаргандек. Ҳайратдан сўз тополмайман. Биргина аэропортдан Ўзбекистон уюшмасигача бўлган йўлларда алвон гуллар, чечаклардан қўз қамашади. Улугвор, сероса дарахтлар, анвойи чаманзорлар, фаввораларнинг рақсу самоси, ариқлардаги зилол сувлар қирқ даражадан юқори ҳароратни ҳис этишинингизга йўл бермайди.

Самарқандда, табиийки, энг аввал тарихий обидаларни зиёрат қилдик.

Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти Ислom Каримов Самарқанд шаҳрида дунёга келган. Тошкентда, Оқсарой қароғоҳида унга муҳташам ҳайкал қўйилган бўлса-да, буюк давлат раҳбари ўз васиятига қўра пойтахтда эмас, она шаҳридаги қадимий масжид ёнида дафн этилган. Боқуда Навоий хайкалининг очилишида Президентимиз Илҳом Алиев мени Ислom Каримов билан таништирганди. Ўшанда у менда доғиманд ва самимий инсон сифатида таассурот қолдирган. Шу сабабли унинг қабрини зиёрат қилишни шарафли бурчим, деб билдим.

Ислom Каримов ўта ғурури балад, ориятли инсон экани ҳақида кўп ашитганман. ЮНЕСКОнинг собиқ бош директори Федерико Майор

айтганда, толерантлик, яъни диний бағрикенгликка ҳам алоҳида эътибор берган.

Самарқанднинг четиди ясси тепаликда авлиё Даниил ёки Хожа Дониёр исми зотнинг макбаси бор. Баъзилар авлиёнинг жасади Бағдоддан шу ерга олиб келиб дафн қилинган деса, баъзилар фақат бир ҳовуч тупроқ келтирилиб рамзий қабр бўнёд этилган дейишади.

Тепалик эстагида худди Шушадаги булоқлар сингари муздек сувли чашма бор. Яна бир ривоятга қўра, бу булоқдан ният қилиб сув ичиш керак экан. Исроилда, Қуддусдаги "Йиги девори" олдида ниятларимни бир парча қоғоза битиб, тош орасига жойлаб кетгандим. Самарқанддаги бу булоқдан сув ичарканман, энг улуг ниятими — Қорабoғ ва бошқа ишғол қилинган тупроқларимиз тезроқ озод этилишини Яратгандан сўрадим.

Самарқандни очик осмон остидаги музей деганларича бор. Бу шаҳар билан фақат Рим беллаша олиши мумкин. Регистон майдони аниқ ҳисоб-китобларга таяниб бўнёд этилиши билан Римдаги Авлиё Пётр, Петербургдаги Сенат, Париждаги Этуаль обидалари билан тенглаша олади.

Регистон асгида "қўмлоқ" деган маънони беради. Майдоннинг уч тарафиди мўъжизакор иморатлар тикланган. Тўртинчи тарафи кириш ва

олак, хонимнинг Озарбойжон фольклори билан ҳам қизқиқлини қўриш мумкин. О хоним биз билан Боқуда учиб, йигирма кун диёримизда меҳмон бўлишини айтди.

Энди юқориди ваъда қилинган масала — Ўзбекистонга боғлиқ масалалар ҳусусида бир неча оғиз сўз қоритсам. Биз ҳамisha уюшмамиз ҳеч қачон йўқолмай, парчаланмай келаётгани, газета ва журналларимиз ҳамон нашр этилаётгани билан ҳақли равишда фахрланамиз. Зеро, кўпгина собиқ совет республикаларида иттифоқ парчаланидан сўнг Ўзбекистон ташкилотлари ёпилди, парчаланди, адабий нашрлар тўхтади, бори ҳам абгор аҳволга тушиб қолди.

Буларнинг барчаси ҳақиқат. Аммо яхши мисоллар ҳам бор. Бунга Ўзбекистонки бемалол мисол келтирса бўлади. Бу ерда Ўзбекистон уюшмаси ҳеч қачон ёпилган ёки бўлиниб кетгани йўқ. Адабий нашрлар сони тобора ортиб бормоқда. Хар бир вилоятда Ўзбекистон уюшмасининг бешта штатга эга бўлими бор. Бўлим раҳбарларига юқори маош ва хизмат машиналари ажратилган. Бундан ташқари вилоятлар ҳокимлари Ўзбекистон учун хомийлик кенгашини бошқаради. Ўзбекистоннинг Дўрмондаги ижод уйдан ташқари мамлакатнинг яна икки ҳудудда ижод уйлари қурилмоқда. Тошкентда Ўзбекистон учун ажратилган ҳудудда 120 хонадонга мўлжалланган иккита тузар-жой мажмуаси давлат ҳисобидан бўнёд этилаётир.

Илгариги адабиёт жамғармаси ўрнига иккита замонавий фонд — "Ижод" ва "Илҳом" фондлари тўзилган. Уларнинг молиялаштирилиши ҳам эътиборимни тортди. "Ижод" фонди фақат Ўзбекистон, "Илҳом" эса бошқа йўналишларда фаолият қўрсатаётган ижодкорларга хизмат қиларкан. Бу фондлар давлат бюджетидан, қисман хомийлик ёрдамларидан, қисман давлат тасарруфидида ва бошқа наشريётларда чоп этилаётган китоблардан тушадиган даромадларнинг мўйян физи ҳисобидан молиялаштирилган экан.

Наشريётларнинг бу фойзалари меъёрий ҳужжатлар билан тартибга солинган. Агар шу тўловларни бўйнига олмаса, наشريётларга лицензия берилмас экан. Бу таҳрибани биз ҳам қўллаб қўрсак зиён қилмасди.

Алишер Навоий номидаги Миллий богда Ўзбек шоир ва Ўзбекистондаги Абдулла Қаҳҳор, Ойбек ва бошқаларнинг хайкаллари ўрнатилган. Ўзбекистон Ўзбекистон уюшмаси, Маданият вазири, Бадий академиянинг тақлифларига қўра, шаҳарнинг бошқа ҳудудларига ўрнатилган машҳур шоирлар — Ҳамид Олимжон, унинг рафиқаси, шоира Зулфияхоним ва Гафур Ғулом хайкаллари ҳам Адиблар хиёбонига қўйилган.

Бу ерда халқ шоирлари Эркин Воҳидов ва уюшманинг собиқ раҳбари Абдулла Ориповнинг хайкаллари ҳам ўрнатилди. Ушбу хиёбонда маънавий дарслари, ўқувчилар, биринчи навбатда ёшлар билан ижодий учрашувлар ташкил этиш, хорижлик меҳмонларни Ўзбек адабиётининг атоқли намуналарини ижоди билан таништириш учун шарт-шароитлар яратилмоқда. Ана шу мақсадда Ўзбекистон Маданият ва санъат қўғазмаси зали ҳам Ўзбекистон уюшмаси ихтиёрига берилган.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон уюшмаси нуфузини янада оширишга йўналтирилган қатор фармон ва қарорлари эълол қилинган.

Бир қатор адибларнинг ижод мактаблари ташкил этилган. Уларда Ўзбек адабиётини чуқур ўргатишга алоҳида аҳамият берилади. Биз иштирок этган халқаро анжуман ҳам Ўзбек адабиётини дунёга танитишда, ўрганилишида, тарғиб этилишида муҳим қадам бўлди. Навоий ва Бобур даҳолари ила, Муқимий, Ҳамза, Чўлпон сингари адиблар мероси ила бой ва муқаррам Ўзбек адабиёти чиндан-да дунёга кенг танилишга, ўрганишга ва намуна бўлишга лойикдир.

Қардош Ўзбек Ўзбекистон билан мустақкам ижодий ҳамкорлигимизни янада кучайтириш Озарбойжон Ўзбекистон бирлиги зиммасидаги шарафли ва муҳим вазифадир.

Озарбойжоннинг

"525-газет" газетаси, 18 август сони.

Озарбойжончадан таржима

ASIAN GAMES 2018

Jakarta Palembang

Индонезиянинг Жакарта ва Палембанг шаҳарларида ўтаётган XVIII ёзги Осиё ўйинларида энгил атлетика, оғир атлетика, кураш ва пенчак силат бўйича юксак натижаларни кўлга киритган спортчиларимизнинг бир гуруҳи мамлакатимизга қайтиб келди.

Уларни Ислom Каримов номидаги Тошкент халқаро аэропортида Ўзбекистон Русубликаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, спорт федерацияларининг мутасадди раҳбарлари, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, ота-оналар, спорт мухлислари кутиб олди.

Мамлакатимизда спортни, жумладан, Олимпия ўйинлари дастурига киритилган спорт турларини жадал ривожлантириш, ёшлар ўртасида кенг оммалаштиришга қаратилган доимий эътибор ва ғамхўрлик ўз самарасини бераётир. Бунинг натижасида эса нуфузли мусобақаларда Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилаётган иқтидорли спортчиларимиз доимо ғолиб ва совриндорлар қаторидан жой олмақда.

Жумладан, XVIII ёзги Осиё ўйинларининг оғир атлетика бўйича ўтган баҳсларда вазни 105 килограмм бўлган полвонимиз Руслан Нуруддинов мамлакатимиз шарафини муносиб ҳимоя қилди.

РЕКОРДЧИ СПОРТЧИЛАРИМИЗ МАМЛАКАТИМИЗГА ҚОЙТИБ КЕЛДИ



Оғир атлетикачиларимиздан ўз вазн тоифаларида Достон Ёқубов ва Омадой Отақўзиева кумуш, Адхамжон Эргашев ҳамда Рустам Жангабоев бронза медалига сазовор бўлди.

— Бундан икки йил аввал Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳрида ўтказилган XXXI ёзги Олимпия ўйинларида олтин медални кўлга киритиш билан бирга Олимпиада рекордини янгиланган эдим, — дейди Р.Нуруддинов. — Ўшанда Осиё ўйинларида ҳам шундай натижага эришишни ният қилганим. Мана ушбу орауимга ҳам етдим. Бундай ғалабаларни кўлга киритишимиз

да биз, спортчиларга яратиб берилган улкан шарт-шароитлар учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик билдираман.

Жорий йилги Осиё ўйинларининг энгил атлетика бўйича баландликка сакраш баҳсларида мамлакатимиз шарафини ҳимоя қилган Светлана Радзиви 1,96 метр баландликни забт этиб, олтин медални кўлга киритди ва 2010 йилда Гуанжоуда ўтган Осиё ўйинларида ўзи қўйган рекордини янгиллади.

Шунингдек, атлетларимиздан уч хатлаб сакраш йўналишида Руслан Қурбонov, баландликка сакрашда На-

дия Дусанова кумуш медални кўлга киритган бўлса, боскон улоқтиришда Сухроб Хўжаев бронза медали билан тақдирланди.

— Осиё ўйинларида ғалаба шарафига мадҳиямиз садоси остида байроғимиз кўтарилганда ушбу юрт фарзанди эканимдан фахрландим, кўларимда қувонч ёшлари қалқиди, — дейди С.Радзиви. — Мен бу ғалаба билан чеklangмайман. Эндиликда ўз олдимга Олимп чўққисини забт этишни мақсад қилдим.

XVIII ёзги Осиё ўйинларининг илк маротаба ўтказилган кураш баҳсларида Маъруф Файбуллаев, Шермухаммад Жандреев, Мухсин Ҳисомиддинов, Гулнор Сулаймонова, Дилдора Шерметова, Кумуш Йўлдошева барча рақибларини энгил олтин медал билан тақдирланди.

Делегациямизга полвонларимиздан Руслан Бўриев ва Яхё Имомов кумуш, Сарвар Шушуродов, Нурбек Тўраев, Ойсулв Абдумажидова ҳамда Мухлиса Абдумаликова бронза медалини келтирди.

Пенчак силат беллашувларида Абдумалик Салимов бронза медалига эгалик қилди.

Мусобақалар давом этмоқда.

Жавохир ТОШХЎЖАЕВ, ЎЗА мухбири



ЕТТИ БОКСЧИМИЗ ФИНАЛДА

Индонезиянинг Жакарта ва Палембанг шаҳарларида ўтаётган XVIII ёзги Осиё ўйинларининг бокс баҳсларида етти нафар боксчимиз финал йўланмасини кўлга киритди.

52 килограммгача вазн тоифасидаги баҳсларда мамлакатимиз шарафини ҳимоя қилган Жасурбек Латипов ярим финал босқичида киргизистонлик Азат Усеналиевни 4:1 ҳисобда мағлубиятга учратган бўлса, вазни 60 килограммгача бўлган ёш боксчимиз Шунқор Абдураҳмонов тайландлик Руякан Жунтронга ҳеч қандай имконият қолдирмади.

Шунингдек, боксчиларимиздан Бобосулмон Батулов тайландлик Арде Сайлома, Ҳасанбой Дўсматов хитойлик Бу Жонглин, Миразизбек Мирзахалилов индонезиялик Сунан Агунг Аморагам, Икболжон Холдорov япониялик Даисукэ Нариматсу, Исроил Мадримов филиппинлик Марсиаль Феликсни йирик ҳисобда мағлубиятга учратди.

Ҳозир, Ўзбекистон делегацияси ҳисобида 15 олтин, 19 кумуш ва 23 бронза, жами 57 медал бор.

ЎЗА мухбири

Дунё адабиётшунослигида бадий асарни тадқиқ қилишнинг турли методлари бор. Илмий фикр баёнида баъзан жуда кўп ишлатилувчи “метод”, “методология”, “методика” истилоҳларининг аралашиб кетган ҳоллари ҳам кузатилади. Ҳолбуки, “метод” сўзи юнонча бўлиб, луғавий маъноси “бирон нарсага бориш йўли”, истилоҳий жиҳатдан эса “мақсадга эришиш усули, муайян тарзда тартибга солинган фаолият” маъносини англатади. Рус олими Ю.Борев “метод”ни фикрлаш усули, “методология”ни метод назарияси, “методика”ни методнинг хусусий усуллар системаси тарзида тушуниради. Унинг фикрича, қўлланилаётган назария билан кузатилаётган объект орасида уйғун ҳолат бўлиши керак. Метод шу ҳолат-асосни ташкил этади. Бунда метод фан ва воқелик, таҳлил ва факт, назария ва амалиёт, концепция ва экспериментал маълумотлар оралиғини эгаллайди. Метод — билиш воситаси. Шу восита билан ўрганилаётган объект тафаккурда қайта жонланади.

МОҲИЯТГА ЭЛТУВЧИ ЙЎЛ

Бугунги адабиётшуносликка бир назар

Адабиётшунослик тарихида бадий асарга филологик, эстетик, формал, биографик, тарихий-маданий, қиёсий-тарихий, социологик, тарихий-генетик, тарихий-типологик ва бошқа ёндашув усуллари кенг қўлланилган. Ҳозирги даврда дунё адабиётшунослигида методлар кўп; уларнинг салмоғи ортиб, сони юзга яқинлашиб ҳам қолди. Уларнинг ўзaro яқинларини умумлаштириб муаллифга, адабий матнга, китоб-хонга тегишли методлар сифатида таснифлаш мумкин. Адабиётшунослик методларидан биронтасига ортикча қиммат бериш ёки яқин ўтмишда бўлганидек, “буржуа адабиётшуносларининг методлари” сифатида ўринсиз камситиш тўғри эмас. Ҳар бир методнинг ўз назарияси, ўз тарихи, ўз тадқиқот усули, ўз муҳлислари ва, айниқса, барчага баравар объекти бор.

Бадиият ва назария

Бу факт асло эътибордан четда турмаслиги керак.

Бугунги ўзбек адабиётшунослигида талқин ва таҳлиллар тарихида уч ҳолат кузатилади:

1. Адабий-илмий методлардан бири дунё адабиётшунослигидан олиб, ўзбек бадиёти намуналарини ўша қилимга жойлаштириш.

2. Ўзбекона адабий-назарий қарашлар билан дунё адабиётшунослигидаги талқин принципларини уйғунлаштириш.

3. Шарқ мумтоз поэтикаси мезонларига таяниш.

Гап булардан қайси бири тўғри ёки нотўғри, қай бири махсуддор ёки кам-маҳсуллик ҳақида эмас. Ҳўш, қайси бир метод бадий асар мазмун-моҳиятини деярли тугал очиб бера олади? Нега “деярли”? Чунки ҳеч бир олим ҳам, ҳеч қандай метод ҳам умрбоқий санъат асарини юз фоиз тугал ва бекам кўст талқин этиш салоҳиятига эга эмас. Хатто бебаҳо санъат асарини бунёд қилган муаллифнинг ўзи ҳам ёзган асари таҳлилида баъзан ожиз қолади. Чунки иход психологиясига кўра, муаллиф ўз асарини ёзган руҳий ҳолатдан узоқлашган сари гоҳида ундан беғоналашиб бориши ҳамда ўша асар адибнинг иходий биографиясида муайян тарихга айланиши ҳам мумкин.

Бугунги кундаги айрим тадқиқотларнинг “Кириш”ида унда қўлланилган методлар эслаб ўтилса-да, таҳлилда уларнинг самараси сезилмайди. Бунинг сабаби фақат аънаваний қилимларда фикрлаш эмас, балки ялқовлик ортидан келадиган илмий китоблардан хабарсизлик ҳамдир. Методлар моҳияти, таснифи, талқин принциплари, илмий-назарий асосларидан беҳабарлик оқибатида адабий мақолаларда, илмий тадқиқотларда бир хиллик, бир-бирларига ўхшаш ва эгизак ишлар майдонга келади. Ҳолбуки, адабиётшунослик методларини махсус ўрганиш, шу соҳа янгиликларини билиш ва уларни таҳлил жараёнида қўллаш ҳар қандай адабиётшунослар учун жуда муҳим. Чунки бошқа барча фан соҳалари каби филология илми ҳам асло янгиликлардан холи эмас. Ҳозирда структурал анализ, психоаналитик усул, имманент анализ, систем таҳлил, контекстуал талқин, экзистенциал ёндашув, лингво-поэтика, “янги танқид”, герменевтик метод, интертекстуаллик, интуитив метод, мифопоэтика, социо-генетик метод ва бошқа назарий тушунчаларни амалиётда қўллашда дунё адабиётшунослиги катта тажрибага эга. Албатта, ўз мустақил дунёқарашига, ўз айтар сўзига эга адабиётшуносл бундай аънаваний ва янги методларни пухта ўрганиши, миллий тафаккурни чиғирғидан ўтказиши ҳамда синтезлаб ўзлаштириши шарт.

Инглиз файласуфи Ф.Бэкон фикрича, умумий методлар илмий-фалсафий

билишга татбиқан уч қисмга бўлинади: 1. Ўргимчак йўли — усули. Фақат ақлий тафаккурга таянадиганлар, ўргимчакка ўхшаб, “ўз ақлларида фикр толаларини тўқиб чиқаради”. Оқиллик етакчилик қиладиган бу усул-да олимлар ўзи учун ўзи қоидалар ясаб олади.

2. Чумоли йўли — усули. Тажрибани хуш кўрадиган тафаккур эгалари чумолига ўхшаб фактлар жамлайди ва шу билан қаноатланади. Кўпинча ташқи омиларга эътибор беради; тоғларини аралаштириб “қозон”га ташлайди.

3. Асалари йўли — усули. Гўё “боғ ва дала гулларида манбалар саралаб оладиган”, ўз қобилияти асосида ўша манбаларни тафаккурда қайта ишлаб ўзлаштирадиган “асалари” усули тарафдорлари тажриба билан ақл-идроқни уйғунлаштирадиган.

Шу жиҳатдан бугунги адабий-илмий ҳаётга назар солинса, “асалари усули”га зарурат кучли экани, “чу-

моли”нинг кўпроқ оммага ҳослиги ва “ўргимчак” йўли танқидга учраши ҳам умуминикили маълум бўлади.

Бугун ўзбек адабиётшунослигида дунё тажрибасидан ўрганилаётган бир неча методлар ибтидоси кузатилади. Уларга нисбийлик хос; бирортасига ўзгармас ва ҳаққоний метод сифатида қараб бўлмайди. Ҳар бирида ютуқ, бадий асарнинг қайсидир жиҳатини очиб берадиган қалиб бор. Айни дамда истаган киши улардан нуқсон ва камчиликлар топа олади.

Захматхас олим дунё адабиётшунослигида мавжуд барча методларни ўрганиши лозим. Заруратга кўра, янги методларнинг талқин принциплари системаси ишлаб чиқиши ва уларга мос ном қўйиш шарт. Жаҳон адабиётшунослигида кўрилмаган, Шарқ адабиётшунослигида кўрилмаган, эҳтимол, Фарб адабиётшуносларида зарурати бўлмаган бадий асарга ўзига хос ёндашув усулларини ҳам дадил илмга олиб кириш — саҳнага олиб чиқиш, ҳодисага мос илмий термин ҳамда тушунчаларни ўртага ташлаш лозим.

Тўғриси, мустабид тузум замонида ўзбек адабиёти баъзан ўз мазмунига мос тадқиқ усуллари асосида ўрганилмади. Бу имконсиз ҳам эди. Ваҳоланки, ўзбек адабиёти, умуман, Шарқ адабиёти тарихида шундай адабий дурдоналар борки, тасаввуф фалсафасисиз, айнаи дамда, Қуръони карим оятлари ва ҳадиси шариф ҳикматларини талқин жараёнига татбиқ қилмасдан улардаги поэтик образлар ҳамда асл моҳиятини тугал очиб бериб бўлмайди.

Мумтоз шеърлатидаги “ёр”, “ошиқ”, “май”, “шароб”, “соқий”, “жом” каби ўнлаб образлар тасаввуфий истилоҳлар билан изоҳланади. Зотан, мумтоз адабиётга бундай ёндашувлар истилоқ йилларидаги адабий-назарий мақола, айрим рисола ва монографияларда янги адабий-тадқиқий ҳодиса, айнаи адабиётшунослик методининг бир тури сифатида кузатилади. Шу эътибордан “Ғойиблар хайлидан ёнган чироқлар” (муаллифлар жамоаси), “Ҳазрат-и Навоийнинг маънавий олами” (А.Рустамий), “Тафаккур карвонлари” (Н.Комилов), “Тасаввуф ва шеърят” (И. Ҳаққул), “Мумтоз адабиётда диний-маърифий мавзулар” (Б.Жалилов), “Қуръон бахш этган илҳом” (Д.Қамбаров), “Қуръони карим ва ўзбек адабиёти” (Х.Кароматов), “Ишқ, ошиқ, маъшуқа” (С.Олим), “Жозиб изҳор излаб” (Т.Шермуродов), “Алишер Навоий “Хамса”-сида хронотоп поэтикаси” (У.Жўрақулов), “Маъжозий муҳаббат ҳақиқатлари” (Б.Эралиев) ва бошқа кўплаб китоблар майдонга келди. Менинчига, мумтоз асарларни бундай янги

усулда ўрганиш ҳодисасини махсус истилоҳ билан аташ, унга аниқ ном қўйиш даври етилди. Дейлик, уларни умумий ном остида “диний-тасаввуфий таҳлил методи” истилоҳи билан аташ ўринлидир.

Умуман, бугунги ўзбек адабиётшунослиги Шарқ адабиётшунослиги тарихидаги адабий мезонлар билан жаҳон илм-фанидаги самарали усулларни уйғунлаштирган — синтез қилган ҳолда тараққий этиши мумкин.

Бугунги адабий ҳаётда бадий асарлар талқинида чизма ва жадвалчилик усули ҳам бор. Шулар орасига қайси бир ўринда ўзимни ҳам қўшаман (“Координатлар текислигидаги уч ҳикоя” мақоласи). Бироқ бу тажриба ва машқлар дунё адабиётшунослигидаги структурал таҳлил методидан фарқ қилади. Чунки Ю.Лотман билан Р.Барта тегишли структурал методга

доир тадқиқотлар тажрибавий босқичдан юксалиб, муайян мактаб ҳолига келган, албатта.

Истисно бир гап шукки, агар чизмалар муаллифнинг ўзига тегишли оригинал ижод намунаси бўлиб, давом эттирилса ёки бошқаларга сабоқ берса ва бадий асарни тушуниши осонлаштиради — бунда нур устига нур. Акс ҳолда, чизмалар биров пишириб, дамлаб қўйган тайёр ошни лаганга сузган-дек гап.

Бугунги олимлар орасида яна бир “усул” ҳам бор. Тинимсиз кўчирма олиш ва унга альтернатив ўлароқ бировнинг қарашларини шаклан ўзгартириб ўзиники сифатида баён этиш “методи” кузатилади, афсус. Бироқ адабий-илмий ҳаётдаги бундай ҳалим плагиат йўллари бир кун келиб ўз эгасининг бор қиёфасини ошқор қилади...

Илмий янгиликнинг пайдо бўлишидек мураккаб жараёни шартли равишда системали тасаввур қилиш ҳам мумкин. Маънавият заҳматкашлари учун интуиция — илк сезим, руҳсезим муҳим. Тўғри, интуиция абстракт ва зиддиятчи тушуна. Тасодифийлик, қутилмаганлик, тўсатдан пайдо бўлиш, бир лаҳзада йилт этиб ёниб-ўчиш, бу —



интуицияга хос хусусият. Интуиция нури ҳали шаклланимаган янги билим учун ўзига хос, фавқуллоҳда йўлни ёриш беради. Бу интуитив-психологик сезим реал бир предметга, мавжуд илм ёки адабий манбага нисбатан пайдо бўлади. Кўнглидаги иррационал сезим макони орқали; унинг ўрни аввалги қарашлар билан ҳали номланмаган янги тушунча-кашиётлар орасидаги майдон. Илмий метод ва мактаблар тахминан ана шундай интуитив, иррационал жараёнлардан ўтиб реаллашади, мустаҳкамланади, дунёга тарқалади; ўз татбиқоти ва тарафдорларини топади...

Адабиётшунослининг ўз талқинларида қайси усулни қўллаши унинг дунёқараш ва назарий билимига боғлиқ. Ҳар бир ишда ақл, тафаккур ва тадабур муҳим. Адабиётшунослик методларини бадий асар талқинига татбиқ этаётган олим шу ички интуиция билан йўл танлайди. Бадий асар мутлоаиси ва унинг талқинига киришган олим сафарга чиққан йўловчига ўхшайди. Йўловчи манзилини тахмин қилади. Айни дамда, ўзи учун энг беҳатар, ўзи биладиган ва манзилга эсон-омон етказадиган йўлдан юради. Қор босган майдонда оёқ изи бўлмаса, одам тахминлаб, чамалаб, ўйлаб, ўлчаб, адашиб ўзи ўзига йўл очади. Бировнинг изидан эргашиб юриш, бу — анча осон машғулот. Чинакам адабиётшунослар авлодининг таваллуд топиши, дунё адабиётчилари учун намуна бўладиган махсус ўзбек адабиётшунослик методлари ва мактабларининг майдонга келиши, бу — эзгу ва бебаҳо ордэ, албатта.

Баҳодир КАРИМОВ,
филология фанлари доктори

ХОДИМУЛ МИЛЛАТ

Улуғ маърифатпарвар бобомиз Махмудхўжа Бехбудий бутун умр юртни озод, миллатни ҳур кўрмоқ орзуси билан яшади. Шу йўлда у тиним билмай курашди, мактаблар очди, газета-журналлар таъсис этди, сиёсий-ижтимоий муҳоҷасаларда фаол қатнашди, охир-оқибат манфур кучлар томонидан маҳв этилди. Вафотидан сўнг бир мuddат унинг хизматлари эътироф қилинди,



номи абадийлаштирилди, бироқ кўп ўтмай бу мўтабар зот унутилди, аниқроғи, унуттирилди, оқибатда бутун бошли авлод Бехбудийни билмай, танимай вояга етди. Утган асрнинг 80-йиллари сўнгига келиб у ҳақда гапирила бошланди, асарлари нашр юзиди кўрди, истиқлол даврида эса бу борадаги ишлар кўлами бир неча баробар ортди, махсус тадқиқотлар олиб борилди, диссертациялар ҳимоя қилинди.

Танқиди олим, архив ҳужжатлари билимдони Сирожиддин Аҳмад тайёрлаган Махмудхўжа Бехбудий “Танланган асарлар” ички жидиллигининг “Академнашр” (2018) нашриётида чоп этилиши мамлакатимиз маданий ҳаётидаги қувонарли воқеалар. Ушбу китоб олдинги нашрлардан нисбатан тўлалтири, айрим мақолалар илк бор чоп этилаётгани, Бехбудий ҳаётининг асосий саналари ва ижодий меросининг тўла рўйхати келтирилгани, мазкур нашрга кирмай қолган асарлари номма-ном зикр қилинган ҳамда ёзилган, бироқ босилмаган битиклари ҳақида маълумотлар берилгани билан фарқланади. Бундан ташқари, иловадан адиб асарларида исм-фамилиялари зикр этилган тарихий шахслар рўйхати ва тушунилиши қийин сўзлар луғати ўрин олган. Бир сўз билан айтганда, илмий аппарат пухта тузилган.

Китобга “Туркистон халқининг миллий қаҳрамони” номи салмоқчи кириш сўзи ёзилган, уни илмий талқитот дейиш мумкин. Кириш сўзи муаллифи — Сирожиддин Аҳмад адиб ҳаёти, ижоди, ижтимоий, сиёсий, илмий фаолиятига алоқадор кўплаб материалларни сингчилаб ўрганиб, фактларни қоғозга, саноатга, ишларига таққийли ёнлашиб, ўз мулоҳазаларини босқичлик билан баён этади. Масалан, адиб туғилган сана айрим адабиётларда 1873 ёки 1875 йил, баъзан эса 1874 йил март ойи деб кўрсатилади. Тадқиқотчи бу зиддиятчи ҳолатнинг юзга келиш сабабларини атрафлича ўрганиб, мавжуд фактларни сингчилик билан қиёслаб, адиб онла аъзоларининг маълумотларига сўяниб, “Махмудхўжа Бехбудийнинг таваллуд санасини 1873 йил ёки 1875 йил эмас, балки 1874 йилнинг 30 январи деб белгилан илмий жиҳатдан тўғрийдир”, деган хулосага келади. Эслатиб ўтамиз, Ўзбекистон Миллий Энциклопедиясида 1875 йил санаси қайд этилган.

Олим Бехбудий меросини, мазкур нуктаи назардан, қуйидаги руқияларда ажратди: бадий асарлар, ижтимоий-сиёсий ва маърифий мақолалар, адабий-танқидий мақолалар, илмон-эстетикдога доир мақолалар, саҳнат хотиралари. Қўришб турибдики, адиб қалам тебратган мавзулар ҳаётининг барча жаҳалларини қамраб олган. Бехбудий меросида ижтимоий-сиёсий ва маърифий мавзуларга ёзилган мақолалар устуллик қилади. Бунинг боиси шукки, адиб ижтимоий-сиёсий муаммолар ечими билан кўпроқ машғул бўлди. Зеро, узоқ давр таназзули бовидан кечирган ўлка қаддини тикламоқ учун, биринчи навбатда, янги миллий маориф тизимини йўлга қўймоқ зарур эди. Сирожиддин Аҳмад тўғри таъкидлаганидек, “Бу идора миллий мустақиллигини амалга оширувчи кадрларни тайёрлаш ўчоғи вазифасини бажариши лозим эди”. Шу боис Бехбудий янги миллий маориф тизимини йўлга қўймоққа жон-жаҳди билан киришди. Албатта, утган аср бошларида тараққийпарвар, элпарвар миллатдошларимиз кўп бўлган. Бироқ Бехбудий сиёсий етуқлиги, узоқни кўра билиши ҳамда ниятда ижтиқий фаолияти билан улардан ажралиб туради.

Маълумки, Бехбудий тил масалалари билан ҳам изчил шугулланган ва маҳаллий матбуотда айнаи мавзуга доир фикр-мулоҳазалари билан доимо қатнашиб турган. Мисол учун, “Тил масаласи” мақола-ласида Туркистонда тил сиёсати, тилимиз шевалари, асл туркий сўзларни тиклаш хусусида сўзлаб, тилини “тозалаш”га уриниш ҳақида ёзади: “Баъзи афандиларимиз меҳмонни “қўноқ” дейулсун, деб тақлиф этарлар. Ҳолбуки, “қўноқ” деганда бир турк фаҳмлайдур. “Меҳмон” деганда турк фаҳмлагани устида, яна бир форсий мусулмон қариндошимизда англайдур. “Тилимиздан форсий ва арабийни қувайлиб”, бу қўб енгил орзу, аммо ижроси мумкин эмас орзуларданандур”.



Уюшма фаолиятидан

АЗИС ВА ЯГОНАМСАН, ЖОНАЖОН ЎЗБЕКИСТОНИ!

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида “Азис ва ягонаманс, жонажон Ўзбекистоним!” деб номланган адабий тадбир бўлиб ўтди. Унда танқиди шоир ва ёзувчилар, ёш ижодкорлар иштирок этишди.

Тадбирда мамлакатимизда ижод аҳли учун яратилаётган кенг имкониятлардан оқилона фойдаланиш, истеълод ва салоҳиятини Ватан равнақи йўлида сафарбар этиш ҳар бир ижодкорнинг бурчи эканини алоҳида таъкидланди. Ана шундай эзгу мақсад йўлида ўз бурчини сиққилдан ало этиб келаётган бир гуруҳ фахрий ижодкорлар Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси томонидан раббатлангиларди.

Шу кун Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг янги аъзоларига аъзолик ғувоҳномаи топирилди.

ИЖОД МАКТАБИДА МУЛОҚОТ

Атоқли адиб Ибройим Юсупов ижод мактабига мамлакатимиз мустақиллигининг 27 йиллиғи олдидан “Азис ва ягонаманс, жонажон Ўзбекистоним!” мавзусида ижодкорлар, маданият намоёндалари, парламент вакиллари билан мулоқот бўлиб ўтди.

Мулоқотда сўзга чиққан Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси, халқ шоири С.Сайид, Қорақалпоғистон Ёзувчилар уюшмаси раиси, халқ шоири К.Каримов, Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби, танқиди адабиётшуносл ва таржомон И.Гафуров ва бошқалар

мактаб ўқувчиларига бугунги адабий жараён, яқинда пойтахтимизда ўтказилган халқаро анжуман ҳақида гапириб бердилар. Иқтидорли болалар мактаби кутубхонасини бойитиш бўйича тақлифлар билдирилди.

Тадбир якунида ўқувчилар Ибройим Юсупов ижодидан намуналар ўқидилар.

ВАТАН ХИМОЯСИ — ШАРАФЛИ БУРЧ

Навоий шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 4 августдаги “Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ҳарбий хизматчиларининг маънавий-маърифий савиясини ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги қарори ижроси юзасидан ташкил этилган “Ватан — муқаддас, уни ҳимоя қилиш шарафли бурч” номи кўргазмалари семинар адабиёт ва шеърят байрамига айланиб кетди.

Навоий вилоят ҳокимлиги, Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими, Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи Навоий вилоят кенгаши, вилоят мудофиа бошқармаси ҳамкорлигида ўтказилган ушбу анжуманда ҳарбийлар, шоир ва адиблар ҳамда ёшлар иштирокида давра суҳбатлари, ҳарбий аскарлар ўртасида китобхонлик танловлари уюштирилди.

ЯНГИ РОМАН МУҲОҚАҚАСИ

31 август — Қатагон қурбонларини ёд этиш кунини муносабати билан Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида ёзувчи Наби Жалолдиннинг улуғ маърифатпарвар

Абдураул ЭШОНБОВ,
Алишер Навоий номидаги давлат
Адабиёт музейининг илмий ходими

адиб Абдулҳамид Сулаймон ўғли Чўлпон ҳаётига бағишланган “Тегирмон” романининг тақдироти ўтказилди.

Тадбирда мустақиллик йилларида миллий қадриятларни тиклаш, тарихимизни ҳолис ва ҳаққоний ўрганиш, улуғ аждоқларимиз хотирасини ёздовлаш, тарихий алоқатни қарор топтириш борасида кўламли ишлар амалга оширилгани, жумладан мазкур асар ҳам Чўлпоннинг машаққатли ҳаёт йўли ва адиб янаган давр тарихини ўрганиш йўлидаги салмоқли қадмлардан бири экани таъкидланди.

ЁШ ИЖОДКОРЛАР КЛУБИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди томонидан Ёзувчилар уюшмаси Қашқадар вилоят бўлимига грант ажратилди.

“Ўсиб келаётган ёш авлодни маънавий етуқ, жисмонан соғлом этиб тарбиялашга, уларда тадбиркорлик, илмий-ижодий ва интеллектуал салоҳиятини шакллантиришга қўмаклашиш” мавзусида “Митти юлдуз” жилolari” ёҳуд Абдулла Орипов издошлари ҳузурида “Митти юлдуз” ёш ижодкорлар клуби ташкил этилиши режалаштирилди. Клубга мактаб-интернатда ҳамда вилоятдаги таълим муассасаларида таҳсил олаётган, бадий ижода қизикдиган ва уюшмага ёшлардан камида 100 нафар ёш қаламқаш қабул қилинади.

Лойиҳанинг якуний босқичида клуб аъзоларининг энг сара машқлари “Митти юлдуз” жилolari” номи остида тўплам ҳолида нашр этилиши режалаштирилган.

ОЛФА БОС, ЯШНАЙВЕР! ҲАҚҚИНИ-ДА БОР, ВАПАНИ!

Зебо МИРЗАЕВА

Ўзбекистонсан...

Шаҳидлар қонидан бино Ватансан,
Дунё ичра ажиб дунё Ватансан,
Етмиш шажарамдан қолган муқаддас
Мағрур бошим узра само Ватансан,
Азиз Момоерим, Бобомаконсан,
Ўзбекистонсан!

Тириклик наслини биттанда хатта,
Онасан сен бани башариятта,
Зако инсон зотин топпоқ бўлганлар
Топиниб келарлар Оби Раҳматта!
Сен Ақл чирогин ёққан бир жонсан.
Ўзбекистонсан!

Сармишсой қояси, Тешиктош гори,
Будда бешигисан, Зардушт диёри,
Тумарис ерисан, Широқининг бори,
Ойбарчин ёрисан, Алломиш ори;
Ёлларга измини бермаган шонсан —
Ўзбекистонсан!

Санскрит, пахлавий, шумер имлоси,
О, бани башарининг ақл зиёси!
Тўққизта рақамга жам этди барин
Алжабр илмининг чекис дунёси!
Техника Эрасин очган ҳоқонсан,
Ўзбекистонсан!

Ориф ТҲТАШ

Жон
Ватан

Ғурурим ҳам орим,
Бешикда туморим,
Ёзилгай губорим —
Бўйи райҳон Ватан.

Чанқасам меҳрини —
Симирдим, сездингми?!
Бағриндан уздингми
Бир лаҳза, он, Ватан?!

Улғайдим шеърталаб,
Бошимдан нур тараб,
Болам, деб эркалаб,
Тутқаздинг нон, Ватан.

Бой бўл, деб ўғилдин,
Бағринда туғилдим.
Дастимга туғ илдим,
Кўксим қалқон, Ватан.

Кўп қадим номасан,
Ерда бир донасан,
Тумарис онасан,
Ори осмон, Ватан.

Буюклар бешиги,
Эзгулик эшиги,
Ўзингсан кўшигим,
Урганим бонг, Ватан!

Юрт муҳаббатиди?
Авесто хатида,
Фикратим қатида
Уйғонар онг, Ватан.

Сен туққан даҳолар
Оламини баҳолар.

Дилимда сафолар,
Илм-у урфон — Ватан.

Ҳар шаҳар-қишлоғим
Тилларга тушмоғим —
Истаб ҳар ажодим
Танлаюр ном, Ватан.

Аждодлар закоси —
Оламининг нафаси.
Ифтихор сафосин —
Ҳар қалбга сол, Ватан.

Ошса-да ҳасратинг,
Ўзликин асрадинг,
Номингда мақсадинг —
Ўзи бек, хон, Ватан!

Чин ҳаёт қандай, дер,
Ҳалол ризқ, манглай тер.
Олга бос, яшнайвер!
Ҳаққинг-да бор, Ватан!

Асрор МҲМИН

Сени
шарафлайман

Сени шарафлайман, Ўзбекистоним,
Етгунча овозим, етгунча созим.
Иссиқ кучоғингда очилди кўзим,
Англадим оламини, англадим ўзим,
Сени шарафлайман, Ўзбекистоним!

Шарафлайман, токи танда жоним бор,
Ўзбек онасини такрору такрор.
Даҳоми, фақирми ўзингиз посбон,
Сиздай азиз зотга мангу шараф-шон,
Сени шарафлайман, Ўзбекистоним!

Шарафлайман, бедор найчи чўпонинг,
Эртаю кеч тиним билмас деҳқонинг.
“Луғотит турк”ка жо жонажон тилим,
Эзгуликни байроқ айлаган элим,
Сени шарафлайман, Ўзбекистоним!

Шарафлайман, азим Тангригоғининг,
Аму, Сир дарёлар, дур тупроғининг.
Богбон боболардан мерос боғининг,
Навоийдан мерос наволарининг,
Сени шарафлайман, Ўзбекистоним!

Шарафлайман, ҳар бир ўсган гиёҳинг,
Хазина тоғларинг, яқин-йироғинг.
Бухоро, Тошкенту Самарқандининг,
Юрт учун фидойи ҳар фарзандининг,
Сени шарафлайман, Ўзбекистоним!

Шарафлайман, нурли истиқлолдининг,
Тикланган бўйининг, истиқболдининг.
Бедад шукрона айтаман ҳар куп,
Шу эркин кунларни кўганим учун,
Сени шарафлайман, Ўзбекистоним!

Шарафлайман, бугун туғилган гўдак,
Оқил бўл, расо бўл, бўлгин шерюрак.
Олд сафларда дадил қадамлар ташла,
Буюк келажакка дўстларинг бошла,
Сени шарафлайман, Ўзбекистоним!



Қўлингда имконлар,
Юракда тугёнлар,
Юрт сўрар ўғлонлар,
Сенга посбон - Ватан.

Дилларда зўр ихлос,
Санъатинг — беқийс,

Порлайвер, эй Қуёш —
Нурга ошён Ватан.

Бор экан танда жон,
Сен дейман, жон Ватан.
Томирда оққан қон —
Ўзбекистон — Ватан!

Қатағон қурбонлари хотирасини ёд этиб

Абдулла Қодирий кашфиёти

Йигирманчи юз йилликдаги тарихимизда, афсуски, қонли саҳифалар ҳам озмунча эмас. Ўша таҳликали асрда оммавий қатағоннинг икки мудҳиш тўлкини не-не тараққийпарвар. зиёлиларимизни ўз домига тортмоди, дейсиз. Жасур овози бизга юз йил наридан ҳам баралла эшитилиб турган фидойи аждодларимиз ҳақидаги яна бир китоб шу кунларда қўлимизга етиб келди. Таникли адабиётшунос олим Собир МИРВАЛИЕВнинг Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси “Ижод” фонди ҳомийлигида чоп этилган бу мажмуаси “Абдулла Қодирий кашфиёти” деб номланган. Кўйида ўзбек қодирийшунос-лигини янги илмий далил ва ҳулосалар билан бойитувчи мазкур китобдан парча эълон қилмоқдамиз.

Абдулла Қодирий қисқа умр кўрган, қисқа давр ижод қилган бўлса ҳам, ўзбек халқи ва адабиёти учун гоят катта, салмоқли, айни чоғда муҳим маънавий-маърифий, бадиий-эстетик аҳамиятга молик ижодий мерос қолдириб кетди. У бир вақтнинг ўзида шоир, публицист, ҳикоянавис, ҳажвиётчи, қиссанавис, драматург, энг муҳими, буюк ва тақдорли романнавис сифатида халқимиз маънавий-бадиий ривожига ўзига хос ўрин тутди.

Аёнки, XX аср янги ўзбек адабиётининг туғилишида, бизнингча, асосан тўртта муҳим омил етакчи аҳамият касб этган. Булар: а) тарихий; б) сиёсий; в) маънавий; ва ниҳоят, г) тил бирлиги билан тавсифланади. Эътибор берсак, бугунги Ўрта Осиё халқлари қадим-қадимдан бир хил тарихий-жуғрофий муҳитда яшаган ва ижод қилган. Шу тўғрисида уларнинг тарихий-ижтимоий, маданий-маърифий, ҳатто оилавий муносабатлари ҳам ягона илдишга бориб тақалади. Демак, ана шу тарихий бирлик адабиётлар, маданиятлар ривожидати илк омил вазифасини ўтаган, десак хато бўлмас.

Қолаверса, ана шу халқлар XIX асрнинг иккинчи ярмига келиб янги бир сиёсий-ижтимоий боғиқни бошдан кечирди. Худди шу даврдан бошлаб чор мустамакочилиги — мустақил тузум шароитида яшашга тўғри келди. Оқибатда миллий онгимизда икки-ёклама ўзгаришлар келди. Яъни биз, бир вақтнинг ўзида, миллий бадиий-тарихий қадриятлардан узоқлаша бошлаганимиздек, рус ва Европа бадиияти, маънавиятига яқинлашдик. Бу ҳол бадиий адабиётимиз ривожига ҳам таъсир этмай қолмади.

Юқоридаги тарихий; сиёсий омил қаторига учинчи бир муҳим омил — маънавий-

маърифий омил, яъни диний-исломий эътиқод муштараклиги келиб қўшилди. Қуръони карим, ҳадиси шарифнинг маънавий-маърифий таъсири халқ оғзаки ижодида ҳам, ёзма адабиётлар ривожига ҳам етакчи омиллардан бирига айланди.

Ниҳоят, биз — Марказий Осиё эллари туркий халқлар ҳисобланганимиз боис тилимиз ҳам муштарак бўлиб, у ёки бу халқ яратган сара асарлар таржимасиз ҳам адабиётлараро умумбадиий-маънавий мулкка — меросга айланди. Хуллас, биз — ўзбек, қозоқ, қирғиз, туркман, қорақалпоқ халқлари адабиёти ана шу тўрт муҳим, етакчи омил таъсирида ривож тоғди, маълум маънода байналминлашди ҳам дейиш мумкин.

Хўш, Марказий Осиё халқлари адабиётлари деярли бир хил тарихий-ижтимоий, маданий-маънавий омиллардан баҳра олиб ривож тоғган экан, уларнинг ўзаро фарқлари, ўзига хосликлари нимада, деган савол пайдо бўлиши табиий, албатта. Ўзига хослик, ҳар бир халқнинг оғзаки ижодиёти ва ёзма адабиётининг ривожига даражаси билан боғлиқ масала бўлиб, худди шу нуктада улар бир-биридан фарқланади, ўзига хослик касб этади. Масалан, қозоқ, қирғиз, туркман, қорақалпоқларда халқ оғзаки ижоди анча қадимий ва бой бўлгани ҳолда ёзма адабиёт анча кеч вужудга келган. Шу жиҳатдан, ўзбек адабиёти оғзаки ва ёзма мақомда ривожланиш жараёнида анча устувор бўлган. Бу эса ўзбек халқ оғзаки ижодида ҳам, ёзма адабиётда ҳам эпик ривоят, эпик образ яратиш тизимини тезлаштирган, ривожлантирган. Гўрўғли, Алломиш туркумига кирувчи халқ достонлари, Алишер Навоий “Ҳамса”си таркибидagi ёзма шеърый романлардан ортирилган эпик ривоят, эпик

образ тажрибаси, аънаси Абдулла Қодирийни етказиб берди. Агар халқ оғзаки ижоди ва ёзма муомтоз адабиётда булар шеърый шаклда ва романтик тасвирда юзага келган бўлса, Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар”, “Меҳробдан чаён” романлари насрий шаклда, реалистик тасвир усулида яратилди ва янги эпик ривоят (баён), эпик образ тизимини бошлаб берди. Энг муҳими, бу янгилик қардош халқлар адабиётлари, хусусан, Садриддин Айний, Мухтор Азиев, Берди Қеробоев, Хидир Дераев каби доғруғи оламга таралган санъаткорлар тимсолида кучли, бақувват тизимга айланди. Абдулла Қодирий ана шу тизим асосини сифатида ҳам буюклик мақомига қўтарилди. Айни чоғда, ўзбек ёзма адабиётининг ўзига хослиги, мустақиллиги ҳам таъминланди.

Иккинчи бир гап, Абдулла Қодирий нафақат ўз халқи, балки бутун Ўрта Осиё халқлари тарихидаги энг муҳим бурилиш палласининг бадиий-эстетик талқинини бошлаб бергани масаласидир. “Ўткан кунлар”да ҳам, “Меҳробдан чаён”да ҳам XIX асрнинг иккинчи ярмидаги хонликларнинг емирилиш даври, мустамлакачилик сиёсатига қарши кураш жараёнлари илк бор бадиий насрда реалистик тасвирлаб берилди. Худди шу ҳолат кейинчалик, С.Айний, М.Азиев, Б.Қеробоев, Х.Дераев романлари мазмун-мундарижасига ҳам кўчиб ўтди. Бунда Абдулла Қодирийнинг ўз халқи тарихидаги бурилиш палласини тасвирлаш аънаси, тажрибаси ижодий ўрганилиб, ўзлаштирилди.

Учинчи бир гап, янги ўзбек адабий тилини яратишга доир адиб асос солган тамойиллар масаласидир. Биламизки, Алишер Навоий даврига келиб туркий тил

— эски ўзбек тили араб, форс тилларидан ажралиб, мустақил адабий тил даражасига кўтарилди. Бунда буюк шоир хизматлари сўзсиз беқийс, чунки ҳазрат Навоий ўз она тилини араб ва форс тиллари таъсиридан тозалаб, ягона туркий адабий тилга асос солди. Абдулла Қодирий замонасига келиб, она тилимиз нафақат араб, форс-тожик тиллари қоришиғида, ҳатто рус, татар тиллари таъсирида ҳам бўлгани маълум. Бир томондан Юсуфбек ҳожи, Мирзакарим кутидор, бошқа томондан Отабек ва Қумуш нутқиға хос ширали, бой, содда, равои, ифодали тил, қолаверса, улардаги муомала маданияти, андиша, риоя, ибод, ифбат, тортинчоқлик — халқимиз, миллатимиз характерининг ҳам ёрқин ифодаси эмасми? Беҳиз Ойбек ҳам “Ўткан кунлар” романининг тили ҳақида тўхтаб, “ёзувчи тил устида катта маҳорат кўрсатгани”ни алоҳида қайд этмаган: “Романининг тили, ҳақиқатан бой, бўёкли, содда, ифода кучи зўр, оммага англашиларили бир тилдир”. Қолаверса, “Ўзбек адабий тилининг шаклланишида бу асарнинг роли, шу-бҳасиз, гоят каттадир”.

Абдулла Қодирий ижодига доир тўртинчи масала миллийликнинг намоён бўлишидир. Абдулла Қодирий ижодида миллийлик икки йўналишда ўз ифодасини топади. Биринчидан, адиб барча асарлари, хусусан, “Ўткан кунлар” ва “Меҳробдан чаён” романларида бадиий нятига мавзунини ўз она юрти, она халқи тарихи, менталитетидан келиб чиқиб ифодалаш орқали эришади. Иккинчидан, мавзу, ғоя, образ ечимли ислом маърифати ҳақида жаҳидчилик таълимотига йўғрилган ва бу эса миллийликни янада чуқурлаштирган, десак хато бўлмас.

Адиб XX аср янги ўзбек адабиётининг туғилиши, шаклланиши ва камолотида ана шу тўрт тамойилни яратиш билан сўз санъатининг ривожига салмоқли ҳисса қўшди. Кўйибгина қолмади, балки намуна, аъна-на сифатида мерос этиб қолдирди. Айни шу фазилати Абдулла Қодирийни адиб сифатида буюклик шохсупасига қўтарди, унга барҳаётлик инъом этди.

Айтиш мумкинки, янги ўзбек адабиётида эпик образ ва эпик ривоят (баён), аввало, Абдулла Қодирийдан бошланган бўлиб, бунда унинг халқ оғзаки ижоди ва ёзма муомтоз адабиётдаги поэтик тасвир шаклини, романтик ифода усулини реалистик насрга ниҳоятта табиий кўчиргани улкан кашфиёт бўлди.

Хуллас, истиқлол даври адабиётшунослиги кўплар қатори Абдулла Қодирий феноменини ҳам янгиҳа, ҳалол, ошқора, рўй-рост баҳолаш сари юз тутган экан, ишонамизки, унинг ҳали етарли ўрганилмаган ижод йўли ҳақида кўп ва хўп ёзилади. Биз фақат бу масалага яна бир бор эътиборни қаратдик, холос.

ПОШКЕНТА
МАФТУН ШОИР

Куни кеча пойтахтимизда атоқли Беларусь шоири Якуб Колас хотирасига бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Тадбир машҳур шоир меъморий ёдгорлигига гул қўйиш маросими билан бошланди.

Ёдгорлик қад ростлаган хиёбонга таникли давлат ва жамоат арбоблари, илм-фан, маданият ва санъат намояндalари, адабиёт соҳаси вакиллари, талаба ва ўқувчи ёшлар, Беларусь Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси ходимлари, Тошкент шаҳридаги “Свитанак” беларусь маданият маркази аъзолари жам бўлишди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси раиси Р.Қурбонов, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси С.Сайид, Беларусь Республикасининг мамлакатимиздаги Фавкулотда ва мухтор элчиси Л.Маринич, “Свитанак” беларусь миллий маданият маркази раҳбари С.Дудюк, адабиётшунос олим, академик Н.Каримов, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети профессори А.Лихадзевский ва бошқалар икки халқ ўртасидаги ўзаро дўстлик, ҳамжихатлик алоқаларини янада мустаҳкамлашда адабий алоқаларнинг ўрни ва аҳамияти беқийс эканини алоҳида таъкидлашди.

Тадбирда шоирнинг шеърлари ёш ижодкорлар томонидан ўзбек ва беларусь тилларида ўқилди.

Якуб Коласнинг ҳаёти ва ижодий фаолиятида Ўзбекистон алоҳида ўрин тутди. У 1941-1943 йилларда Тошкент шаҳрида яшаган. Юртимизнинг ижтимоий-маданий ҳаётида — турли учрашувлар, адабий кечаларда фаол иштирок этган. Фафур Фулом, Ҳамид Олимжон, Махсуд Шайхзода каби ўзбек адабиётининг атоқли вакиллари билан мустаҳкам ижодий ҳамкорлик ўрнатди.

1942 йили унинг “Танланган шеърлар” китоби Ҳамид Олимжон таҳрири остида ўзбек тилида чоп этилди.

Машҳур беларусь адибининг кадрдон дўсти Фафур Фулом салоҳиятига берган қўйидаги таърифида унинг юртимизга бўлган чуқур ҳурмат ва эҳтироми ўз ифодасини топган: “Фафур Фулом! Унинг номини тилга олганда менинг тасаввуримда Ўрта Осиёнинг энг йирик шаҳри бўлмиш Тошкент, қизил, оқ ва номларини мен билмайдиган минг турли гулларга бурканган ям-яшил бог ва хиёбонлар гавдаланади. Фафур Фулом поэзиясида Фафур Фуломдек ажойиб шоирни тарбиялаб етиштирган ва менга ҳам жонажон бўлган Ўзбекистоннинг гўзаллигини кўраман”.

Якуб Колас серкўёш ва саховатли Ўзбекистонни, бу заминда яшаётган меҳмондўст ва самимий инсонларни қалб ҳарорати билан севар эди. Унинг “Ўзбекистонга”, “Чимён”, “Солор” сингари шеърларида бу туйғулар ўзининг гўзал ифодасини топган.

Бугунги кунда ҳам Ўзбекистонда Якуб Колас ижодига қизиқиш юқори. Мамлакатимиздаги адабий нашрларда унинг асарлари мунтазам равишда чоп этиб келинмоқда. Айни пайтда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ташаббуси билан атоқли беларусь адибининг янги китоби нашрга тайёрланмоқда. Кўйида эътиборингизга атоқли беларусь шоирининг Ўзбекистонга бағишланган шеърини ҳавола этамиз.

Якуб КОЛАС

Ўзбекистонга

Вақтим етди, Ўзбекистон,
Сени ташлаб кетар бўлдим.
Сен қанчалик оромжон,
«Ҳайр!» сўзин оғир билдим.

Бошим узра ўзга осмон
Қодир ёзар кенг, беармон.
Баҳор яшнаб келган замон
Кўз олдими сен намоён.

Севиб қолдим боғу роғинг,
Кенг қўлларинг олов кўрқинг,
Шуъла сочса тоғлар тоғинг,
Ўлдим уни, олиб бўрқин!

Эсимдадир серзавқ шаҳринг,
Баҳор кўркли парк, хиёбон.
Ариқ гашти, Солор — наҳринг,
Теракларинг тик соябон!

Ёдда бўлур сокин ором,
Опоқ қорли, гўзал Чимён.
Сен ўзингта қилолдин ром,
Эй, тоғ юрти Ўзбекистон!

Шум урушининг оғир йили
Паноҳ тоғим сенда мен ҳам.
Куйга монанд ўзбек дили,
Қўшиқ айтдик бирга, ҳамдам.

Бир қиличчи бирга тоблаб,
Бирга бўлдик элга дармон.
Меҳринг бердинг нурга қоплаб,
Эй, жигарим, Ўзбекистон!

Яна нафас урди баҳор
Бизнинг она тупроққа ҳам.
Шу куй билан кўзимда нам:
Яхши қол, эй нурли диёр!

Ўзбекистон халқ артисти, композитор Дони Зокиров ашула, романс, мусикали драма, балет, симфоник ва халқ чолғулари оркестри учун яратган асарлари билан миллий мусика маданиятимизни бойитишга катта ҳисса қўшган санъаткордир.

Қарийб ўттиз йиллик ижодий фаолияти давомида Д.Зокировнинг халқ чолғулари оркестри ва яққа чолғулар учун ўзбек мумтоз куйлари асосида ёзган асарлари бадий муҳаммаллиги билан таҳсинга лойиқ. Хусусан, "Ёввойи Чоргоҳ", "Наво", "Савти Наво", "Уфори Наво", "Гардуни Сеғоҳ", "Таснифи Дугоҳ", "Муҳаммаси Ироқ", "Насруллоҳ", "Чўли Ироқ" кабилар шундай асарлар сирасидан. Бу ўринда махсус адабиёт ва ўқув қўлланмаларда композиторнинг айнан шу жабҳадаги ижодий талқинида қўлланган "қайта ишлаш", "моллаштириш" каби иборалар мазкур асарлар моҳиятини тўғри ифода этмаганини қайд этиш жоиз. Зеро, устоз ижодидаги барча мақом намуналари янги бадий етуқлик ва композитор



халқимиз ҳамон мароқ билан тинглайди. Д.Зокировнинг "Ёввойи ушшоқ" асарида эса бутунлай ўзгача манзарани кўрамиз. Бунда, бир томондан, мақом, иккинчи томондан эса "Ёввойи мақом" ва катта ашула жанрларининг ўзаро уйғун хусусиятлари янги композиция

“ЁВВОЙИ УШШОҚ”НИНГ СЕҲРУ ЖОЗИБАСИ



услугига хос сифатларга эга. Буни биз "Ёввойи ушшоқ" асари мисолида батафсилроқ тушунтиришга ҳаракат қиламиз.

Таъкидлаш жоизки, Д.Зокиров етук композитор бўлиши баробарида, устоз-шоғирдликка таянган мумтоз мусика асосларини, шу жумладан, бастакорликда кенг ўрин тутган назари аъналарини амалий ўзлаштирган ижодкор эди. Шу фазилатлари боис унинг кенг қамровли ижодий тафаккури, оригинал бадий ечимлари, машҳур куйларнинг янги қирраларини намойиш этган ёрқин гармония ва оркестр бўёқлар ҳар бир асарида янги сурур бахш этган. Най ва халқ чолғулари оркестри учун ёзилган "Ёввойи ушшоқ" бунинг ёрқин далилидир.

Маълумки, ўзбек миллий мусикасида назари аънаси муҳим ўрин тутди. Мусикадаги "назира" сўзи-маъносида устозлар яратган юксак санъат намуналарига издошлар томонидан ижодий ўқшатиш, уларнинг таъйинларига эргаштиш, тақлид қилиш кабилар тушунилади. "Ушшоқ" номи қўллаб мумтоз мусикий намуналар назари аъналарига яқол далилдир. "Ушшоқ"лар қадимдан бастакорлар ижодида кенг ўрин тутиб келади. Бунга Содирхон ушшоғи, Мулла Тўйчи ушшоғи, Қўқон ушшоғи, Самарқанд ушшоғи, сурнай ушшоқлари мисол бўла олади. Д.Зокировнинг "Ёввойи ушшоқ" асари кўп овозли ва бир овозли тизимлар уйғунлигида яратилган

назирадир. Мазкур асар ўзбек мусикасида янгилик бўлганини таъкидлаш керак. Композиторнинг бу асари бир неча жиҳатлари билан эътиборни тортади. Аънага кўра, "Ёввойи ушшоқ" авж пардаларидан бошланиб, ҳофизлар томонидан доира усулисиз ижро этилади. Зотан, "ёввойи" сўзи доира усулидан холи, яъни эркин услубда ижро этиладиган айтим намунасига нисбатан ишлатилади. Бошқача айтганда, "Ёввойи ушшоқ" деганда мақом намуналарининг катта ашула услубида ижро этилиши тушунилади. Айнан шундай услубда донг таратган Акбар Қори Хайдаров, Мамат бобо Сатторов, Жўраҳон Султонов, Фаттоҳхон Мамадалиев каби санъаткорлар ижросини

халқимиз ҳамон мароқ билан тинглайди. Д.Зокировнинг "Ёввойи ушшоқ" асарида эса бутунлай ўзгача манзарани кўрамиз. Бунда, бир томондан, мақом, иккинчи томондан эса "Ёввойи мақом" ва катта ашула жанрларининг ўзаро уйғун хусусиятлари янги композиция

юзага келишига хизмат қилган. Дастлабки янгилик ижродаги ўзига хосликда кўзга ташланади: мазкур асар ҳофиз ёки ҳофизлар ижросига эмас, балки халқ чолғулари оркестри жамоаси учун мўлжалланган. Асарнинг шакл тузилишида ҳам "Ёввойи ушшоқ"нинг аънавий кўринишидан фарқли томонлари бор. Жумладан, Д.Зокиров асари мақом шўъбалари каби куйи пардаларда, икки хиссали (зарбул қадим) доира усулига асосланган чолғу муқаддимаси билан бошланади. Сўнгра найнинг яққа ижросида асосий мавзу баён(даромади), ривож(миёнхати) келиб, авж пардаларга интилади. Асарнинг энг муҳим қисми, яъни авжга келиб эркин ижро услубига ўтилади. Шу асосда яққанавоз найнинг юқори пардалардаги сурури садолари янграйди. Маълумки, бундай ижрочилик услублари, асосан, Тошкент ва Фарғона водийсида машҳур катта ашула ва "Ёввойи мақом"ларда кузатилади. Ашуланинг авж сари иккинчи тўлқини ҳам куйи пардалардан бошланади. Навбатдаги куй авжи асарнинг энг юқори чўққиси сифатида ижодкор истеъдоди билан алоҳида урғуланган: яққанавоз найнинг бетакор авж нолалари оркестр усул билан қўллаб-қувватланмайди, аксинча, ҳис-ҳаяжонли дақиқаларни янада кучайтирувчи "рез" (замин) товушларини катта тезлик билан такрорлаб туради. Айни шу авж жараёнида "ёввойи мақом" ҳам кучга кириб, най садоси эркин суръатда янада жозибали янграйди. Бундай авж ижодкорнинг Фарғона-Тошкент мақом йўлларига хос айрим авжларни ижодий ўзлаштиргани натижасидир. "Ёввойи ушшоқ" композицияси мақомлар каби тушуриш воситасида дастлабки таъин пардаларга интилади, илк усул қарор топиб, шу асосда най ижросидаги хотима билан ниҳоясига етади.

Аён бўладики, Д.Зокировнинг "Ёввойи ушшоқ" асарида Фарғона-Тошкент мақом йўллари, "Ёввойи мақом" ва катта ашула жанрларига хос хусусиятлар композиторлик (полифоник) услублар билан уйғунлаштирилган ва натижада қадимдан келаётган ушшоқларнинг замон руҳи билан суғорилган янги намунаси юзага келган. Композиторнинг мазкур асари юксак бадий қимматга эгалигини, моҳирлик билан чолғулаштирилганини, оркестр ижросида аънавий классик куй фойдавий воситаларининг ҳаммадан янграшини, миллий монодиянинг янги қирраларини ёритувчи замонавий оркестрда шакл маҳорати ва услуб яхлитлигини таъкидлаш лозим. Хулоса қилиб айтганда, Д.Зокировнинг бастакорлик ва композиторлик ижодиёти уйғунлигида ёзилган "Ёввойи ушшоқ" юксак бадий асар сифатида бугунги ва келгуси авлодларни ҳам баҳраманд этишига ишонимиз.

Озода ТОШМАТОВА

ОЙДИН КЎЧАЛАРДА УЧРАШУВ



Санъаткорнинг ижоди, ҳаёт йўли уни камолга етказган эл-юрт тақдирини билан узвий боғланган бўлади. Муҳлислар қалбини забт этган куй ва кўшиқлари эса ҳеч қачон унутилмайди. Пойтахтимиздаги "Туркистон" саройида Ўзбекистон халқ артистлари Изро Малаков ва Мухаббат Шамоева иштирокда ўтган концерт дастури ҳам муҳлислар соғиниб турган воқеага айланган. Шу муносабат билан юртимизда меҳмон бўлиб турган санъаткорлар ўз миннатдорлигини изҳор қилишди.

Изро МАЛАКОВ,
Ўзбекистон халқ артисти:

— Ўзбекистон киндик қонимиз тўкилган Ватанимиз. Санъатта муҳаббат, истеъдод ва илҳомни ҳам бизга шу замин берди. Мен бунинг ҳеч қачон унутмаганман. Гарчи умримнинг сўнгги йигирма беш йиллини океан ортидаги олис диёрда ўтказган бўлсам ҳам, ўзбек халқининг мумтоз куй ва наволари юрагимни бир зум ҳам тарқ этмади. Қаерда бўлмай, ҳақиқий миллий мақомларимизни барчага таништиришга, тарғиб этишга ҳаракат қилдим. Америкада "Шашмақом" ансамблини ташкил этиб, ўттиздан зиёд шаттада концертлар бердик, йигирмага яқин мамлакатда ижодий сафарлар уюштирилди. Бу тадбирлар орқали ўзбек санъати, маданияти ва аънаёлари ҳам тарғиб қилинди. 2014 йилда АҚШда мақом академия-

сини ҳам очдик. Ҳозир бу ерда америкалик болаларга мақом сирларини ўргатиб келмоқдаман. Албатта, шоғирдларимни мақомнинг асл ватанига олиб боришни ўйлаб юрамди. Бунинг қарангки, шу мақсадда Ўзбекистон элчихонасига мурожаат қилганимда ажойиб воқеа юз берди. Қўтилмаганда кўнгириқ бўлиб, "Президент Шавкат Мирзиёев сизни "Ўзбекистон халқ артисти" унвон билан тақдирлади", дейишди. Янгиликни эшитиб, "Бу ўнгимми ё тушимми?" дея ҳайратга тушдим. Оранда кўп вақт ўтмай, Президентимиз АҚШга расмий ташрифи доирасида ўтказилган тантанали маросимда менга бу унвонни топишиб, чин дилдан табриқлаганида беҳал хурсанд бўлдим. Ижодим, изланишларим юксак даражада эътироф этилганидан чексиз миннатдорман.

Ўзбекистон мушқиллигининг йигирма етти йиллиги арафасида "Туркистон" саройида бўлиб ўтган мақом концерти ҳам унутилмас воқеага айланди. Очиғи, ўзбек санъаткорлари, муҳлисларини жуда соғинганимиз. Узоқ йиллардан сўнг қадрдон дўстларим, шоғирдларим билан бирга яна ўзбек саҳнасига чиқдик... Мақом ихлосмандлари бизни жону дили билан тинглади. Яқин кунлар ичида Шаҳрисабзда бошланидиган Халқаро мақом анжуманида ҳам иштирок этишимдан бахтиёрман. Ушбу форум "Шарқ тароналари" фестивали сингари дунёда нуфузга эга бўлиб, мақом санъатининг ривожига ҳисса қўлиши аниқ. Унда америкалик ёш шоғирдларим билан бирга қатнашишни режалаштирганман.

Мухаббат ШАМАОЕВА,

Ўзбекистон халқ артисти:

— Изро ака билан йўл бўйи "Ойдин кўчалар"ни хиргойи қилиб, кўп ажойиб хотираларни эсладик. Ёшлигимиз ўтган ёруғ кўчаларни, қалби дарё одамларни жуда соғинганимиз сездим. Самолётимиз Тошкент аэропортига қўнаётганида юрагим ҳаяжондан ҳапқирди. Она юртимга қайтганимдан хурсанд бўлсам-да, "Муҳлислар мени қандай қабул қиларкин?" деган савол ҳаёлимдан кетмасди. Ахир, улар билан узоқ вақт учрашмадик. Кўшиқларимни катта авлод вакиллари яхши билса ҳам, бугунги ёшлар қандай қабул қилиши мен учун қизиқ эди. Бу ҳам санъаткор учун ўзига хос синов.

"Туркистон" саройи саҳнасида қўйлаётиб муҳлислар жўр бўлаётганини кўрганымдан кейингина кўнглимга хотиржамлик инди. Кечада раҳматли турмуш ўртомим, моҳир мақомдон Илёс Маллаев қўйлаган ашулалар ҳам янграганидан хурсанд бўлдим. Бугун Ўзбекистонда миллий мусиқий меросни асраш, ривожлантириш борасида эътирофга лойиқ ишлар қилинмоқда. Шаҳрисабзда биринчи бор ўтатилган халқаро мақом анжумани катта санъат байрамига айланиб, ўзбек мусиқиси тарихида янги саҳифа очилиш шубҳасиз. Ушбу анжуман иштирокчиси сифатида зиммамда катта масъулият борлигини ҳис қилаётман. Унда қатнашаётган истеъдодли ёш мақом ижрочилари бизнинг авлод ижодкорларига насиб қилмаган кўп ишларни амалга оширишига умид қиламиз.

БИЗ БИЛГАН ВА БИЛМАГАН БАҲРУЛЛА АКА



— Жиззахнинг Гараша қишлоғиданман, — дея сўз бошлади Баҳрулла ака санъат оламига кириб келиш ҳақидаги саволимга жавобан. — Санъат менга бобомерос. Бобом Лутфулла ҳофиз Жиззах ва Самарқандда машҳур бўлган. Унинг ижросидаги "Ушшоқ", "Сувора", "Феруз" каби ашулаларни муҳлислар севиб тинглашган. Афсуски, бобом 1937 йилги қатагон курбонларидан бирига айланган. Улардан Зикриллохон, Амрилохон ва Эсонхон исмли уч ўғил қолган. Мен Амрилохон исмли ўғлининг фарзандиман. Амаким Эсон Лутфуллаев юртимизнинг таниқли ҳофизларидан бири сифатида санъатсевар халқимизнинг ҳурмат-эҳтиромига сазовор бўлди. Бобом ва амакимнинг ортидан мен ҳам болалигимдан санъат йўлини танладим.

Дастлаб Тошкентдаги маданият оқартуш техникумининг хор дирижёрлиги бўлимини, кейин консерваториянинг хор дирижёрлиги ва педагог мутахассислигини, бир неча йилдан сўнг композиторлик факультетини тугатдим.

— Устоз, бугун сиз Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби, таниқли композиторсиз, атрофингизда қанча шоғирдларингиз ижод қилишяпти. Шубҳасиз, бундай ютуқларга эришишингизда устозларингизнинг ҳам хизматлари бор...

— Албатта. Мен устозлардан ёлчиган ижодкорман. Биринчи мусиқий устозим, шубҳасиз, Эсон акам бўлган. Улардан санъатнинг, мусиқанинг нокиз жиҳатларини, ижодкор одобини, санъатга ва муҳлисларга муносабатини ўрганганман. Қобил Орипов, Абдусамат Илёсов, Роза Бектошева, Мирсодиқ Умаров, Ричард Буларов, Ботир Умиджонов, Мирсодиқ Тожиев каби устозлардан фақат мусиқа имлидан эмас, одамийлик, меҳроқибат, садоқат каби инсоний фазилатлардан ҳам сабоқ олганман. Бундан ташқари, қаерда ишлаган бўлсам, ўзимдан катта-кичикки, ҳаммадан ниманидир ўйинишга ҳаракат қилганман. Одам қайси соҳада ишлашидан қатъи назар, умр бўйи ўрганиб, ибрат олиб яшаши керак. Ўқиш ва иш жараёнида яна бир нарсаси амин бўлдим. Мусиқа оламига кирган одам, созандами, хонандами ё бошқа йўналишдами, фарқи йўқ, албатта, бирор чолғу асосбини катта олиши, адабиётдан, айниқса, шеъриятдан хабардор бўлиши керак. Мақомларимиз, халқ куй-кўшиқларимиздан, фольклоримиздан хабари йўқ одам ҳар мақомга йўғалайверади.

— Айни ҳолат қўйлаш учун лицензияга даъвогар бўлиб келаётган ёшлар, ҳатто катта ёшлиларда ҳам кўзга ташланиб турибди, назаримда.

— Ҳа, ўзингиз ҳам гувоҳсиз, лицензия олмоқчи бўлганларнинг аксарияти шеър, шеърият ҳақида тушунчага эга эмас. Ҳатто баъзилар қўйлаётган матни шеър деб ҳам бўлмайди. Шу матнларни ёзиб бераётганларнинг аксарияти шеъриятдан

Камтарин инсон, бетакор композитор Баҳрулла Лутфуллаевни салкам қирқ йилдан буён таниганим, 2001 йилдан буён "Ўзбекконцерт" қошидаги лицензия кенгашида жамоатчилик асосида биргаликда иш олиб бораётганимиз сабабли, бу самимий ижодкорни яхши биламан, деб юргандим. Яқинда, хотиржам ўтириб сўхбатлашганимиздан сўнг, кўз олдимда Б.Лутфуллаев ҳаёти ва ижодининг янги саҳифалари бирма-бир очила бошлади. Танишинг, балки санъаткорнинг умр саҳифаларидан олинган баъзи лавҳалар сиз учун ҳам янгилик бўлса ажабмас.

йирок, манфаат илинжида юрган одамлар ёки мусиқа сайқалловчилар. Бу, аввало, қўйлашга иштиёқмандларнинг китоб, газета-журнал ўқимаслигидан далолат беради. Агар ўқиганида оддий сўзлар йиғиндиси билан шеърнинг фарқига борган бўларди. Аслини олганда лицензияга даъвогарларнинг кўпчилиги машҳурлик ва фойда илинжида бўлади. Санъатга ҳақиқий иштиёқманд, истеъдодли одам меъёрида қўйлайди. Бунга ўзимиз ҳам бевосита гувоҳ бўлиб турибмиз.

Кези келганда, бир фикрни ўртага ташламоқчи эдим. Ҳозирги

лицензия кенгаши ишини тақомиллаштириш керак. Яъни, биринчи навбатда, кенгаш жамоатчилиги асосида эмас, ҳақ тўланадиган тарзда ташкил этилиши лозим. Моддий манфаатдорлик бўлса, масъулият ҳисси ҳам мустаҳкамланади. Яна муҳими, битта бадий кенгашнинг рухсати телевидение, радио ва мусиқа билан боғлиқ барча ташкилотларга тааллуқли бўлиши лозим. Майли, ягона кенгашга давлат ва нодавлат радио-телевидение каналларидан ҳам мутахассислар жалб этилсин. Агар шу иш амалга ошмаса, ҳамма оловни ўз ўчоғига тортиш билан шуғулланиб ўчоверади, муҳлислар эса саёз ижролардан шикоят қилаверади. Илгари радиода битта бадий кенгаш иш олиб боради. Санъатимизнинг ҳақиқий даргалари кенгаш аъзолари эди. Ўзим ижро этган илк кўшигим — "Қорасоч" ана шу даргалар назаридан ўтган.

Очиғи, Баҳрулло аканинг бу гапи мен учун катта янгилик бўлди. Ростдан ҳам устозни ҳали яхши билмас эканман. Ҳатто қўшиқ айтишларини тасаввур ҳам қилмагандим. Ваҳоланки, Б.Лутфуллаев Пулат Мўмин, Нормурод Нарзуллаев, Анвар Исроиллов каби таниқли шоирлар, Мирсодиқ Тожиев, Мустафо Бафоев, Мирхалил Махмудов, Хабибулла Раҳимов, Нурилла Зокиров сингари таниқли композиторлар билан ҳамкорликда ишлаб, олтимишга яқин кўшиқ қўйлаган. Бу кўшиқлар ҳозир радионинг олтин фондида сақланади. Россия, Озарбайжон, Арманистонда бўлиб ўтган бастакорлар йиғинларида хор жамоаси билан қўйлаган кўшиқлари муҳлислар ва мутахассислар эътирофига сазовор бўлган. Устоз деярли ҳамма мусиқа чолғуларида, жумладан, дутор, тор, пианинода чала олади. Баҳрулла ака, ўзи айтганидек, мусиқа оламига кириб келган ҳар бир одам ҳеч бўлмаганда бирор созини чалишни билиши шарт, деган қоидага амал қилган ижодкорлардан. Сўбат асосида устоз композитор фарзандларимизни миллий мусиқага ошно қилиш борасида ҳам фикрмулоҳазалари билан ўртоқлашди:

— Болани миллий куй-кўшиқларни, мақомларни тинглашга ўргатиш гудақлигидан бошланиши керак. Бунда она алласи биринчи ўринда туради. Қолаверса ўзбек халқ кўшиқ-ялалари, қўйлари ҳам бу борада яхши натижа беради. Айнан шундай усулни боғча, мактабларда давом эттириш зарур. Иложи бўлса, мактаб ўқувчиларини миллий куй-кўшиқлардан, миллий оркестрлар ижросидан тўзилган кон-

цертларга олиб боришни ташкил қилиш лозим. Ана шунда фарзандларимиз миллий ўзбек оҳангларига мойил бўлиб боради. Мусиқа мактабларида композитор ва бастакорлар асарларини чалишга кўпроқ эътибор берилади. Албатта, техникани мукамаллаштириш учун бу усул мақсадга мувофиқ. Лекин ҳар бир ўқувчи мусиқа асосида мақом куйларини чалишни ҳам билиши керак. Шу маънода мусиқа мактаблари дастурини яна бир кўриб чиқиш лозим. Бадий жамоалар, хор жамоалари фаолияти ҳам янгилаштиришга муҳтож, деб ўйлайман. Худди шу фикрлар педагогика институтларининг мусиқа факультетлари фаолиятига ҳам тааллуқли.

Тўғри, бугун юртимизда мақом меросимизга муносабат тубдан ўзгарган. Очиғи, мақомда уйғониш даври бошланди, дейиш мумкин. Ўзбек мақомлари эфирларда янграмай қўйган вақтлар ҳам бўлди. Президентимиз жуда катта хайрли ишни бошлади. Давлатимиз раҳбарининг ташаббуслари билан ҳар икки йилда бир марта Шаҳрисабзда ўтказилиши мўлжалланган биринчи мақом фестивали бошланишига санокли кунлар қолди. Шубҳасиз, бу анжуман мақомимизнинг дунё бўйлаб янада кенг жаранглашига катта тўртқи беради. Мазкур тадбирнинг натижалари ҳадемай ўз самарасини бера бошлайди. Ҳозирданок мақом санъатига қизиқиш кучайган. Илгари мақом ижрочилари санокли эди. Бугун ёшлар, мактаб ўқувчилари орасида мақом ашулаларига қизиқувчиларни қўллаб уchrатиш мумкин. Фақат ёшларни тарбиялаб бориш зарур. Мақомнинг даромад, ўрта авж, авж пардаларини ҳамма ҳам урдалаб айтмайлади. Бунинг учун овозни чархлаб туриш, эҳтиётлаш керак. Асосийси, радио ва телеканалларда мақом ашулалари берилишининг мунтазамлигини таъминлаш, тарғиб қилиш зарур. Мақомга эътибор мавсумий бўлиб қолмаслиги миллий санъатимиз ривожини учун жуда муҳим.

Баҳрулла Лутфуллаев сўзи билан иши бир инсонлар сирасидан. Том маънода миллий руҳ билан суғорилган, халқимиз, ёшлар руҳини кўтардиган, ўзбек санъатига муносиб ҳисса бўлиб қўйилган ва қўйилаётган катта-кичик жанрда ёзилган асарлари фикримизни тасдиқлайди. Устоз санъаткор ижод билан бирга ижтимоий ва педагогик фаолиятини самарали олиб бормоқда.

Қўллаб қўшиқлари, поэма ва симфониялари, хор асарлари, мусиқали драмалари билан ўзбек композиторлик ижодиётига муносиб ҳисса қўшиб келаётган Баҳрулла Лутфуллаев шу йилнинг ўзида "Кашмир кўшиғи" (Ш.Рашидов асари) ва "Орият" (Н.Қобил либреттоси) мусиқали драмаларини, "Ўзбекистон" (С.Тўйчиева шеъри) кўшигини муҳлисларга тақдим этди. Айни вақтда устоз янги асарлар устидаги ишларини ниҳоясига етказмоқда.

Етуқлик довозида турган устоз композитор, Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби Баҳрулла Лутфуллаевга узоқ умр, мустаҳкам саломатлик, ижодий ютуқлар тилаймиз.

Гулчехра УМАРОВА

берт фон Страленберг фамилияси ва дворянлик унвонини олганди".

"Moziydan sado"

2018 йил 3 сөн

"Шажарайи турк" асари ҳам Европа тилларига ўғирилган ва кенг тарқалган. Марказий Осиёдаги мўғул ва турк тарихининг европача тасаввури айнан шу асар орқали қабул қилинган ва икки асрдан зиёд асосий манба бўлиб хизмат қилган. Асар рус армиясига асир тушган швед офицери Филипп Иоганн Таберт (1676-1747) томонидан илк бор илмий муомалага киритилган. Ҳн уч йил асирликда бўлган зобит Шимолий-Шарқий Осиё этнографияси ва картографиясига оид манба тўплайди. Бу хизмати илмий жамоатчилик томонидан юқори баҳолиниб, кейинчалик у Та-



Дунёга машҳур "Шажарайи турк" асарининг Европа тилларида таржима қилиниши тарихига оид бу каби қизиқарли маълумотларни "Moziydan sado" журналининг янги сониди эълон қилинган Ҳ.Назировнинг "Шажарайи турк" — хон асар" номли мақола-сида ўқишингиз мумкин. Журналнинг бу сонидан О.Абдуллаеванинг "Шарқ ва Фарб мусикасининг алоқадорлик мезонлари", О.Мадалиеванинг "Навоийнинг номаълум газаллари", У.Қобоевнинг "Қадимий ойлар Беруний таснифиди", Б.Одиловнинг "Марказий Осиёнинг этнографик атласи", С.Улашованинг "Қавчилар тарихи" номли тадқиқотлар ҳам ўрин олган.

Ватан... Бу туйғу кўнгли қадар кенг. Бу кенгликнинг, меҳригининг сарҳади йўқ. У томиримдаги ҳар томчи қонда, кўзим етган ҳар бир ҳудудда, онажоним ўстирган райҳонлар ифорида, болам суйиш — ёллари шамолда рақс этган тулпор қанотида яшайди. Бу меҳрнинг чексизлиги-да осмон қадар беадоғ...

Йўл бўйи хаёлимда ёруғ фикрлар жўш уради. Тошкент вилоятининг сўлим табиати, сувга тўлиб оқувчи сойлари, оқ булутлар хаёл сурган тиниқ осмони остида мевалари гарқ пишган боғларига назар соларканман, бу юртни севмай бўладими, дейман беихтиёр. Нақш олмалар меҳмонларни саховати билан қўлга олиб қўйгандай турибди. Олма-лиққа кириб борганимизда эса, шаҳардаги ободлик кўзимизни янада яшнатиб юборди. Манбаларда ёзилишича, мўғул босқинлари даврида қалъалари мустаҳкам бу кен-тни душман шунча уринса-да, ололмабди. Яқдил шаҳар аҳли уни ёвуз душман қўлига бермабди. Шунда аламда қолган ёв бу жойни «олол-мадик» деган экан. Кейинчалик бу сўз «олмалик»қа айланган.

Текис ва раво кўчалар, янги қурилган шинам уй-жойлар, дам олиш масканлари, «Олтин олма» хиббони кончилар шахрига кўркамлик бағишлаб турибди. Айниқса, 41 метр баландликда ҳилпираётган Ватанимиз байроғи гурунги омон қадар юксалтиради. 130 мингдан зиёд аҳолиси бўлган Олмаликда 30 дан ортиқ миллият ва элат вақиллари аҳил-инок, шод-

Қалмоққир кон бошқармасида Устки қатлам, Марказий ва Шарқий конлар ҳамда «Сариқ-чўққи» кони бор, — дейди Ойсара опа худуд билан таништи-рар экан. — Ушбу кон МДХ давлатла-ридаги энг йирик рангли металлургия кони ҳисобланади. Мис бойитиш фаб-рикаси Марказий Осиёдаги биринчи

ОЗОД ХИЛПИРАЙДИ ЮРТ БАЙРОҒИ

металлургия корхонаси саналади...

Кўк билан бўйлашган улкан қирлар-ни ақл-заковат, куч-ғайрат билан ўзига бўйсиндираётган кончилар иши-га қойил қоласан. Тарам-тарам бўлиб, бағридаги маъ-данларни инъом-этаётган таби-атнинг мўъжи-закор худудида ҳар дақиқа иш қизгин.

— Бир пайтлар бу ерларда камку-ват экскаваторлар ишлаган эди, — дейди Ойсара опа. — Уларнинг имко-нияти чеклангани боис иш самараси

қўлбола усулда эритиб, ундан турли буюмлар тайёрлаш туфайли ҳосил бўларкан. Шу сабабли олмаликликлар азалдан кончилик ҳадисини олишган.

2017 йилнинг 11 августи комбинат тарихига зарҳал ҳарфлар билан би-тилди. Шу кун Президентимиз Шав-кат Мирзиёев Олмаликқа ташриф бу-юриб, кончилар билан ҳамсуҳбат бўлди. Давлатимиз раҳбари ишчилар-нинг қувонч-ташвишлари, орзу-ният-лари билан ўртоқлашди. Бу учрашув уларнинг руҳини кўтариб юборди.

Президентимиз ўшанда «Ёшлик-I» ва «Ёшлик-II» конларини ўзлаштиришга «оқ-фотиҳа» берди. Эндиликда бу ердаги мис конларини ўзлаштириш ҳисобиға

илғор технологиялар билан жиҳозлан-ган янги ишлаб чиқариш тармоқлари барпо этилади. Йилига «Ёшлик-I» кони-дан 23,0 млн., «Ёшлик-II» конидан 2,0

млн. тонна руда қазиб олиниб, янги лойиҳалар доирасида йилига 28 млн. тонна рудани қайта ишлаш қувватлари ишга туширилади. 11 мингдан зиёд янги иш ўринлари яратилади, йилига 520 млн. доллардан зиёд экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқарилади. Бир сўз билан айтганда, замонавий технология билан жиҳозланган иккинчи Олмалик кон-металлургия комбинати қад рост-лайди.

Кейинги манзилимиз Мис эритиш заводи. Димогингизга бир оз ачимтир хид урилади. Улкан бинолар билан ўралган заводда тулук ҳам қора ранг-да, қулочингиз етмайдиган катта чўян идишлар иссиқдан чатнаб кетган. Ба-хайбат қурилмалар ёнида маъдандан мис ажратиб олаётганлар ишини ку-затаман. Қумгонга сув қўйсангиз қай-найидиган иссиқдан бир оз лоҳас бўлиб, ўзимизни сояга олдик. Лекин бу ҳаро-рат завод ишчилари учун «ҳолва» эк-анини, тонналаб маъданлардан мисни ажратиб олиш жараёнида бундан ҳам юқори ҳароратда ишлаш зарурлигини эшитиб, уларнинг матонатига қойил қолмай иложингиз йўқ. Бундай оғир ва машаққатли меҳнатга ўзини фидо эт-ган кишининг юртга бўлган садоқати-га ҳавас қилади киши.

— Одам ўз ишидан завқ олиши ке-рак, — дейди металлургия цехи кон-вертер-анод бўлими бошлиғи ўринбо-сари Жасур Тўрақулов. — Хар тонг ишга ошиқиб келаман. Ловуллаган оловда миснинг эришини кузатиш, қайноқ суюқлиқни қотишма ҳолига келтириш, уни 95,5 фоизли мисга ай-лантириш мен завқ оладиган жараён.

Бу мисдан халқимиз эҳтиёжи учун қан-чадан-қанча зарур буюмлар тайёрла-нишини ўйласам, бекорга яшамаяп-

миз, дейман. Цехимизда саккиз юз-дан зиёд ишчи меҳнат қилади. Тўғри, бу оғир меҳнат, аммо ҳеч ким ишини ташлаб, бошқа жойга ўтганини эшит-маганман.

Марказий таъмирлаш-механика за-води комбинат учун зарур бутловчи қисмлар, насослар, жами мингдан ортиқ буюмлар ишлаб чиқаради.

— Илгари энг кичкина муруватчалар ҳам четдан келтириларди, — дейди цех бошлиғи ўринбосари Сухроб Парда-ев. — Бугун деярли барча эҳтиёт қисм-лар ўзимизда ишлаб чиқарилади. Сиз кўрган ўша улкан техникаларнинг бар-ча зарур қисмларини мана шу қўли гул ишчиларимиз ясапти.

Цехда эркаклар қатори хотин-қиз-лар ҳам санотимиз учун муҳим тех-ника ускуналари тайёрламоқда. Улкан техникалар соз бўлишини таъминлов-чи майда қисмлар бекаму кўст бўли-шида ҳар бир ходимнинг зийраклиги, ўз соҳасига нисбатан билим ва са-лоҳият жуда муҳим.

— Металлургия заводимиз маҳал-лийлаштириш дастури асосида иш-юртида, — дейди бўлим бошлиғи ва-зифасини бажарувчи Қозимжон Жума-боев. — Шу дастурга мувофиқ, 2018

йилда умумий қиймати 29 млрд. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш имконини берув-чи 32 та лойиҳа амалга оширилади. Комбинат таркибида бешта кон бор: Қалмоққир, Ангрен, Чодак, Хонжизза, Ковулди кон бошқармалари. Прези-дентимиз қарорига биноан Сурхонда-рёдаги Учқулоч кони ҳам ўзлаштирил-моқда. Жами 34 мингдан зиёд ишчи-хизматчиси бўлган комбинат 32 тур-даги маҳсулот ишлаб чиқаради.

Ангрендаги қувур заводидида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг чет-элларда ҳам харидорлари кўп. Бундан ташқари, комбинатнинг яна 15 турда-ги маҳсулотлари Россия, Туркия, Хи-той, Қозғистон, Қирғизистон каби кўп-лаб давлатларга экспорт қилин-моқда. Корхона ишлаб чиқараётган олтин ва қумуш Лондон қимматбаҳо металллар бирлашмасининг сифат белгиси, яна бир қанча маҳсулотлар эса халқаро сертификатларга эга.

Комбинат худудидаги кўп-лаб цех-лар фаолияти билан танишиб, оқшом қора, қўли қадоқ минглаб ишчилар-нинг пешона тери, қалб қўри эвазига қазиб олинган маъданлардан бино бўладиган буюмлар кундалик ҳаёти-мизда қанчалик аҳамиятга эгалигини яна бир қарра англадим. Ноёб маъ-данлардан ясалган жиҳозлар ҳаёти-мизга фойд бағишлашини ҳис қилдим.

Олмаликдан қайтаётим, оқшом пар-даси остида шаҳарнинг янада гўзал-лашганини сездим. Меҳридарё халқ-миз фарзандлари яратётган бунёд-корлик мустақил Ватанимиз белига қувват эканлигига яна бир бор ишонч ҳосил қилдим. Буни шаҳар осмони узра хилпираётган ҳурлик байроғи ҳам тасдиқлаётгандек эди, гўё...

Наргиза АСАДОВА,
Ёзувчилар уюшмаси аъзоси

Ватанни севмоқ иймонданир

Мустақиллик айёми ҳақли равишда энг улуг, энг азиз байрам. Мустақиллик — дунёда ҳеч нарса билан қийслаб бўлмас улуг неъматдир. Ер юзининг жаннатмонанд минтақасида Ватан тутган ўзбек халқининг мустақиллик ва тараққиёт тарихи бир текис кечмади. Халқимиз асрлар давомида мустақил босқинчилар асорати остида яшашга мажбур бўлди.

ТАРИХ — ЖАСОРАТ САБОҒИ

Милoddan олдинги асрларда эрон-лик аҳмонийлар 200 йил, сўнгра грек-македонияликлар 180 йил, араб хали-фалиги салкам 200 йил, мўғуллар 150 йил, аор Россияси ва аовет давлати 130 йил бу ўлкани ўз ҳуқми остида ушлаб турди. Умумлаштирсак, бу даврлар сал-моғи 850 йилдан ошади. Бироқ шунча зулм ва зўровонликларни бошидан ке-чирса-да, халқимиз ўз ғурури, тили, урф-одатлари ва қадриятларига суяниб ўзлигини сақлаб қолди.

Донишмандларнинг, «Зўрлик билан куч ишлатиб банди қилинган одам қул эмас, балки ўзининг қуллигига рози бўлган одамгина қулдир», деган сўзла-ри айнан бизнинг халқимиз ҳақида айтилгандек. Ватанпарвар аждодлари-миз босқинчиларга қарши тинимсиз кураш олиб бордилар. Бу муросасиз кураш ҳақида ҳикоя қилувчи тарихий манзиллар юртимизда жуда кўп учрай-ди. Улар бизга ўтмишнинг қора ва му-сibatли кунлари ҳақида сўзлайди, жа-сорат ва мардликдан сабоқ беради...

Пойтахтнинг Шайхонтоҳур тумани-га қарашли «Қамолон» маҳалласида-ги кўча четидида мақбараси ўхшаш ки-чи гиштин гўмбаз қўнқайиб турибди. Бу митти ишоот қиринишидан чор Россияси даври меъморчилиги услу-бини эслатади. Эски ўзбек маҳалла-сига «Бегона» бу гўмбаз қандай пай-до бўлган?

Суриштириб билсак, бунинг узун ва таассуфли тарихи бор экан.

...Мусибатли 1865 йил. Саркарда мулла Олимқул шахид бўлган. Аскар-лар ва аҳолининг қарамонона қарши-лигига қарамасдан, бир неча хоинлар қасофати билан Тошкент шаҳри қўлдан кетган илк кўнлар. Босқинчи генерал Черняев — Туркистоннинг яна бир му-ҳим шаҳри забт этилганидан хурсанд. У қўҳна Тошкентга нопок қадамини қўйган, бу воқеага ўзича тантанавор тус бермоқчи бўлади. Шу мақсадда «Қамолон» дарвозасига олиб боровчи йўл четига мағлублар — маҳаллий аҳолини қатор қилиб тизиб қўйишди. Черняев ўз қўшини билан шу дарвоза-дан шаҳарга киришни мўлжаллайди. Аммо охириги дамба қўнглига ғулғула тушиб, оқ отта ўзининг адыотантини ўтқазди. Маккор босқинчининг қўрққанича бор эди: аҳоли ночор бош эгса-да, уларнинг қўзигади ўт қўқсига найзадек қадаларди гўё.

Мағлубият аламига чидай олмаган бир баҳодир дарвоза олдидаги кат-такон ўрик шохлари панасида қўлида ўқ-ёй билан пайт пойлаб турарди. У барабанлар садоси остида, оқ отда ўтаётган басавлат полковники Чер-няев деб гумон қилади. Бутун нафрат-ни пайқонига жамлаб, камондан ўқ узади. Қоқ қўқсидан ўқ еган босқин-чи тўнғиздек бўкириб, отдан ағдари-лади-ю, шу заҳоти жон беради. Но-гаҳон юз берган бу воқеадан ҳаммаёқ тўс-тўполон бўлиб кетади. Босқинчи-ларнинг тантанали тadbири барбод бўлади.

Кейинроқ полковник ўлган жойда биз юқорида тилга олган иншоот — «на-совня» қурилган. Тарих китобларида, ҳатто унинг исми-фамилияси ҳам дарж этилган! Халиги қарамонони эса ўша заҳотиёқ топиб, шахид этган бўлсалар керак. Бу шерурак қасоскорни, эҳти-мол, жиноятчи ёки террорчи деб таъ-рифлагандирлар. Айни шу сабабга кўра, мард ва жасур халқ қарамони-нинг исми ҳам, қабри ҳам номаълум, унутилган. Ҳолбуки, унинг жасорати келгуси авлодлар учун буюк ватанпар-варлик намунаси бўлиши мумкин эди...

Мулла Олимқул қўлар нисбати тенг бўлмаса-да, ёв устидан бир неча ёрқин ғалабаларга эришган.

Саркарда 1865 йилнинг 9 май кун-и бўлган жангда тўп ўқи парчасининг қорнига келиб тегиши натижасида шахид бўлади (Муаррихнинг ёзиши-ча, саркарданинг қорнидан ичакла-ри осилиб қолади. Саркарда отдан тушмай уларни йиғиштириб олади, бошидаги салласи билан қорини маҳкам боғлаб, яна жангга қиради.

Бироздан сўнг секин четга чиқиб, отидан тушади-ю, калима қайтариб, жон беради).

Фақат шундан кейингина ёв Тош-кентга қира олган.

Шу ўринда бир қанча саволлар ту-гилади: хўш, душмanning замонавий тўплари ва бешотар милтиқларига қарши асосан қилич-найзалар билан жанг қилиб, жасорати ила ёвни қаттиқ таҳликага солган саркарда мулла Олимқул додхоҳнинг қабри қаредда? (Хатто, генерал Черняев ўша пайтлар-да унинг қабрини қарбийча ҳурмат юзасидан зиёрат қилган). Мулла Олим-қулга ҳайкал ўрнатилганми? Унинг номи кўчаларга қўйилганми? Бу зот ҳақида китоблар битилганми? (Қино-лар ҳақида гапирмай қўя қолайлик...)

Бугун ана шундай аламли-аччиқ са-воаллар олдимизда қўндаланг бўлиб турибди. Жумладан, босқинчиларга қарши мардларча курашган Ёқуббек додхоҳ, Жўрабек додхоҳ, Абдумалик тўра, Курмонжон додхоҳ, Мадаминбек, Иброҳимбек, Шермухаммадбек, каби саркардалар, Мунаввар қори, Махмуд-хўжа Бехбудий, Абдурауф Фитрат, Али-хонтўра Согуний сингари аллома, ва-танпарвар зотларнинг хотирасини аба-дийлаштириш, уларнинг жасорат ва маърифатга қорловчи меросини ўрга-ниш борасида ҳам айтиш мумкин.

Катта унвон ва мансабларни «забт этган» қанчалаб тарихчи олимларимиз бор. Лекин бу савалга домларар ҳатто, суҳбат орасида ҳам мулла Олимқул шахид бўлган. Аскарлар ва аҳолининг қарамонона қарши-лигига қарамасдан, бир неча хоинлар қасофати билан Тошкент шаҳри қўлдан кетган илк кўнлар. Босқинчи генерал Черняев — Туркистоннинг яна бир му-ҳим шаҳри забт этилганидан хурсанд.

У қўҳна Тошкентга нопок қадамини қўйган, бу воқеага ўзича тантанавор тус бермоқчи бўлади. Шу мақсадда «Қамолон» дарвозасига олиб боровчи йўл четига мағлублар — маҳаллий аҳолини қатор қилиб тизиб қўйишди. Черняев ўз қўшини билан шу дарвоза-дан шаҳарга киришни мўлжаллайди. Аммо охириги дамба қўнглига ғулғула тушиб, оқ отта ўзининг адыотантини ўтқазди. Маккор босқинчининг қўрққанича бор эди: аҳоли ночор бош эгса-да, уларнинг қўзигади ўт қўқсига найзадек қадаларди гўё.

Мағлубият аламига чидай олмаган бир баҳодир дарвоза олдидаги кат-такон ўрик шохлари панасида қўлида ўқ-ёй билан пайт пойлаб турарди. У барабанлар садоси остида, оқ отда ўтаётган басавлат полковники Чер-няев деб гумон қилади. Бутун нафрат-ни пайқонига жамлаб, камондан ўқ узади. Қоқ қўқсидан ўқ еган босқин-чи тўнғиздек бўкириб, отдан ағдари-лади-ю, шу заҳоти жон беради. Но-гаҳон юз берган бу воқеадан ҳаммаёқ тўс-тўполон бўлиб кетади. Босқинчи-ларнинг тантанали тadbири барбод бўлади.

Кейинроқ полковник ўлган жойда биз юқорида тилга олган иншоот — «на-совня» қурилган. Тарих китобларида, ҳатто унинг исми-фамилияси ҳам дарж этилган! Халиги қарамонони эса ўша заҳотиёқ топиб, шахид этган бўлсалар керак. Бу шерурак қасоскорни, эҳти-мол, жиноятчи ёки террорчи деб таъ-рифлагандирлар. Айни шу сабабга кўра, мард ва жасур халқ қарамони-нинг исми ҳам, қабри ҳам номаълум, унутилган. Ҳолбуки, унинг жасорати келгуси авлодлар учун буюк ватанпар-варлик намунаси бўлиши мумкин эди...

Мулла Олимқул қўлар нисбати тенг бўлмаса-да, ёв устидан бир неча ёрқин ғалабаларга эришган.

Саркарда 1865 йилнинг 9 май кун-и бўлган жангда тўп ўқи парчасининг қорнига келиб тегиши натижасида шахид бўлади (Муаррихнинг ёзиши-ча, саркарданинг қорнидан ичакла-ри осилиб қолади. Саркарда отдан тушмай уларни йиғиштириб олади, бошидаги салласи билан қорини маҳкам боғлаб, яна жангга қиради.

Бахтиёр ҲАЙДАРОВ,
Ўзбекистон Ёзувчилар
уюшмаси аъзоси



хуррам яшамоқда. Кончилик, маъдан тозалаш ва кимё саноти ривожлан-ган шаҳарда кон металлургия комби-натининг муносиб ўрни бор.

Корхона ахборот хизмати раҳбари Ойсара Дадаева билан комбинатга саёҳатимиз Қалмоққир конидан бош-ланди. Конни ўзлаштириш 1954 йил-дан бери олиб борилади. Очиги, юз-лаб метр пастдаги чанг-ғубор сузиб юрган, улкан автоуловлар ғир-ғир елиб юк ташиган, тонналаб маъдан-ларни манзил томон элтаётган ағдар-ма вагонларни томоша қилиш ўзгача завқ уйғотар экан.

— Акциядорлик жамиятимизнинг

ҳам шунга яраша бўларди! Эндилик-да чўмичининг сигими 16 кубометр-лик улкан техникалар ишляпти. Маъ-дан ташитётган ва ортаётган машина-лар ичида ишчилар учун кондиционер ва совутгичлар муҳайё қилинган. Қазиб олинган маъданлар мис бойи-тиш фабрикасига юборилади.

Ишчиларнинг асосий қисми маҳал-лий аҳоли фарзандлари. Боиси олма-ликликлар азалдан кончиликка меҳр қўйган. Қадимда бу тепаликлар Илоқ давлати худудига кирган. Пойтахт Тун-кент осмонига кечаю кундуз қандай-дир буғ чиқиб тураркан. Олисдан кўринган бу манзара мис ва руҳни

«Азиз ва ягоналиксан, жонажон Ўзбекистони!» ЭНГ УЛУҒ, ЭНГ АЗИЗ ҚАДРИЯТ ИҶОДҚОРЛАР НИГОҲИДА

Пойтахтимизда Ватанимиз мустақиллигининг 27 йиллиги муносабати билан «Энг улуг, энг азиз» аънавий республика танлови голиб ва совриндорларни тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Мазкур ижодий танлов ташкилий қўмитаси раиси, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги бош директори Л.Тангриев ва бошқалар Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан маданият ва санъат, адабиёт, оммавий ахборот воситалари, нашриёт ҳамда матбаачилик ривожига жиддий эътибор қаратиш, бу борадаги мавжуд қонунчилиқни такомиллаштириш, соҳанинг моддий-техник салоҳиятини мустаҳкамлаш, ижод аҳлининг машаққатли меҳнатини моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантириш, кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан ислох этиш борасида мисли кўрилмаган амалий ишлар олиб борилаётганини таъкидлади. Аънавий тарзда ўтказиб келинаётган «Энг улуг, энг азиз» республика танлови Ўзбекистонимизни, истиқлолимизни, унинг кадр-қиммати, саодатли неъматларини, тинч ва осойишта кунларимизни тананум этувчи ижод намуналарини халқимизга танитишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Жорий йилги ижодий лойиҳа «Азиз ва ягоналиксан, жонажон Ўзбекистони!» деган эзгу гоияни ўзида мужассам этгани, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ҳамда «Фаол тадбиркорлик, инновациялар гоилар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили» давлат дастурининг маъно-мазмунини кенг тарғиб этишга қаратилгани билан аҳамиятли бўлди.



Танловнинг республика босқичига 300 нафарга яқин ижодкордан 2 мингга яқин ижодий иш келиб тушди.

Танловнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар босқичларида 2 минг нафардан ортиқ ижодкор фаол иштирок этиб, 6 августдан 16 августгача худудларда бўлиб ўтган тақдирлаш маросимларида 200 нафарга яқин ёзувчи, шоир, журналист, рассом ва киноижодкорлар голиб ва совриндорлар сифатида лойиҳа ташкилотчилари томонидан тақдирланди.

— Бугун долзарб бўлиб турган кўпгина масалалар — ёшлар тарбияси, маънавият, оилалар мустаҳкамлиги, жиноятчилик

профилактикасида маҳаллаларнинг ўрни, таъсири бекиёс, — дейди «Маҳалла» радиоканали катта муҳаррири, танлов голиби Тўлқин Ёрқулов. — Уларни теран таҳлилий назар билан ёритиш журналистдан юқори билим, катта маҳорат талаб этади. Танлов янада кўпроқ изланишга, ишга катта масъулият билан ёндашишга ундайди. Тадбирда голиб ва совриндорларга диплом ва эсдалик совғалари топширилди. Концерт дастури намойиш этилди.

Н.УСМОНОВА,
ЎзА муҳбири

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва «Ижод» жамоат фонди уюшма аъзоси
Жамила ЭРҒАШЕВанинг
вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур ҳамдард-лик билдиради



HALQ BANKI

Акциядорлик тижорат Халқ банки жамоаси

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг

йиллик шодиёнаси билан

барча юртдошларимизни


муборакбод этади.

27

Азиз ва ягона, жонажон Ўзбекистонимизнинг
гуллаб яшнаши, унинг фаровонлиги йўлида Сизларни
куч-қувват ҳеч қачон тарк этмасин!

Юртимиз доимо тинч, хонадонларимиз хотиржам,
дастурхонларимиз тўкин бўлсин!

Шу билан бирга Халқ банки юртдошларимизга
онлайн конверсия хизматини таклиф қилади.
Сиз банкнинг ушбу хизматидан фойдаланиб:
-хорижий валютани "Xalq mobile" мобил иловаси орқали
исталган вақтда исталган давлатда харид қилиш;
-интернет тизими орқали меҳмонхона ва
авиачипталарни брон қилиш;
-интернет дўконлари орқали харидлар ва хизматларни
амалга ошириш имкониятларига эга бўласиз.



Маълумот учун: (371) 200-00-55, 120-17-70. www.xb.uz

MT MATBUOT
tarqatuvchi

"Матбуот тарқатувчи"
акциядорлик компанияси
жамоаси қадрли
юртдошларимизни
муқаддас ва бетакрор айём —
Ватанимиз Мустақиллигининг

27 йиллиги

билан самимий
муборакбод этади!

Маълумот учун:
(371) 233-75-49
(371) 233-12-53



Барчангизга сиҳат-
саломатлик, бахту саодат,
оилавий хотиржамлик,
жонажон Ўзбекистонимизнинг
гуллаб-яшнашида олиб бораётган
бунёдкорлик ишларингизда
улкан зафарлар тилайди.

Айёмингиз муборак бўлсин!



"O'ZSANOATQURILISHBANK" АТБ
жамоаси юртдошларимизни энг
улуғ айём —

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ

27 йиллиги

билан қутлайди!

Сизларга мустаҳкам соғлиқ,
оилавий хотиржамлик,
Она Ватанимизнинг равнақи
йўлидаги фаолиятингизда
янгидан янги муваффақиятлар тилайди.

Юртимизнинг тинчлиги ва
жадал тараққиёти
абадий бўлсин!

www.uzpsb.uz (371) 200-43-43

“ВАТАН УЧУН ЯШАЙЛИК!” ТАНЛОВИ ЯКУНЛАНДИ

Ватанимиз мустақиллигининг 27 йиллигига бағишлаб, она
диёримизда амалга оширилаётган кенг кўламли
ислохотлар, Ўзбекистонимизнинг буюк келажаги йўлидаги
улуғвор янгиланишлар, замондошларимизнинг ёрқин
сиймолари акс эттирилган, юксак маҳорат билан ёзилган
энг сара бадиий-публицистик мақолалар, очерклар, насрий
ва шеърӣй йўналишдаги энг сара асарлар учун Ўзбекистон
Ёзувчилар уюшмаси томонидан эълон қилинган “Ватан
учун яшайлик!” VII Республика танлови якунланди.

Куйидаги ижодкорлар замондошларимизнинг фидокорона меҳнат-
лари, заҳматкаш халқимиз амалга ошираётган бунёдкорлик ишлари,
ижтимоий ҳаёт, маърифат ва маънавият соҳаларидаги оламшумул ўзга-
ришлар, китоб мутолааси ва китобхонлик маданияти тарғиботи, юр-
тимиз ободлиги, миллий қадриятларимиз ва ёш авлод камоли, мил-
лий гурур ва ифтихор, Ватан туйғуси, Истиқлол гоёлари ҳаётӣй ми-
соллар, тегаранг фикр-мулоҳазалар билан тараннум этилган асарлари
учун “Ватан учун яшайлик!” танлови мукофотиغا сазовор бўлдилар:

1-ўрин:

Анвар Обиджон — “Фарғоналиклар” эсселар тўплами учун.

2-ўрин:

Наби Жалолиддин — “Тегирмон” романи учун;
Меҳмонкул Исломулов — “Одам дунёга ҳайратланиш учун
келади” бадиий ва публицистик тўплами учун.

3-ўрин:

Манзар Абулхайр — “Навоий асарларининг изоҳли луғати”
китоби учун;
Нўмон Раҳимжонов — “Бадиий сўз эстетикаси” тўплами учун;
Зухриддин Исомиддинов — “Манас” эпосининг янги таржимаси
ва матбуотда эълон қилинган публицистик асарлари учун.

Рағбатлантирувчи мукофотлар:

Сайди Умиров — “Сехрли ва меҳрли сўз” бадиий-публицистик тўпла-
ми учун;
Йўлдош Солижонов — “Лирика латофати, насрнинг назокати”
рисоласи учун;
Зебо Мирзаева — адабиёт тарғиботи бағишланган туркум кўрса-
тувлари ва матбуотда эълон қилинган мақолалари учун;
Муҳиддин Омон — “Ўртағида ишқнинг гулхани” шеърӣй тўплами
учун;
Адиба Умирова — матбуотда эълон қилинган шеърӣй ва публи-
цистик асарлари учун.

Байрали тухфаси



«Дўстлар клуби»да

Газетамиз таҳририяти ва “АКФА” компанияси ўртасида
“Дўстлар клуби” тузилиб, доимий ҳамкорлик йўлга
қўйилганидан мухлисларимизнинг хабари бор. Дастлабки
ижодий учрашув пойтахтимизнинг Сергели туманидаги “Imzo
city” шаҳарчасида бўлиб ўтганди.
Кўни кеча Тошкент шаҳар Юнусобод туманидаги “AKFA PLAST”
ишлаб чиқариш корхонасида Мустақиллигимизнинг 27 йиллиги
олдидан ижодий учрашув ташкил этилди. Газета ходимлари, шоир
ва санъаткорлар корхона иши, хизматчилари билан юзлашиб,
яқиндан мулоқот қилишди. Бу корхонада гайрат билан меҳнат
қилаётганларнинг асарияти ёшлар экани қувонарли ҳолдир.
Тадбирни олиб борган Муқимий номидаги ўзбек давлат
муслиқ театри актрисаси Муқаддас Мамадалиева ижросидаги
дилбар кўшиқлар, таниқли шоирларнинг Ватан, дўстлик, меҳр-
окибат ҳақидаги шеърлари йиғилганларга завқ-шавқ, хуш
кашфият бағишлади. Шоир Аҳтамқули ўқиган газаллар барчада
катта таассурот қолдирди. Айниқса, эл севган хонанда,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Абдулла Шомарулов
ижросидаги кўшиқлар даврага файз киритди.
Бир сўз билан айтганда, дўстона дийдорлашув таҳририят
томонидан корхона иши-хизматчиларига байрам тухфаси
сифатида манзур бўлди.

Ўз ахборотимиз

Муассис:
ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ

Ҳа.иқ.ор.лари.и.и.з:

ЎЗБЕКИСТОН БАДИЙ
АКАДЕМИЯСИ

Imzo
akfa

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини
телефонингиз орқали сканер қилинг.



O'zbekiston adabiyoti va san'ati

Манзилимиз: Тошкент — 100083, Матбуотчилар кўчаси, 32

Электрон манзилимиз: uzas.gzt@mail.ru

Танқид ва адабиётшунослик бўлими: 233-58-86 Санъат бўлими: 233-56-40
Ижтимоий ҳаёт бўлими: 233-57-42 Назм ва наср бўлими: 233-58-60

Бош
муҳаррир
Ўктам
МИРЗАЁР

Таҳририятга келган кўлэмалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.
Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.

Масъул котиб — Асрор СУЛАЙМОНОВ
Навбатчи муҳаррир — Барно СУЛТОНОВА
Саҳифаловчи — Зафар РЎЗИЕВ

«ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.
Босмахона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Босишга топшириш вақти — 21.00. Босишга топширилди — 00.05

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 26.11.2014 йил 0283-рақам билан рўйхатга олинган.
Адади — 5894. Буюртма Г — 982. Ҳажми — 4 босма табоқ А-2.
Нашр кўрсаткичи — 222. Ташкилотлар учун — 223. 1 2 3 4 5

ЖУМА КУНАЛРИ
ЧИҚАДИ.
СОТУВДА НАРХИ
ЭРКИН.

ISSN 2181-614X

